

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 332.1:338.45(575.1)

Негматов Самариддин Қаршибоевич

НАВОИЙ ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ МИНТАҚАСИ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ВА ТАБИИЙ
ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

5А440501 – Иқтисодий ва ижтимоий география

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

проф. Абдусалямов М.

Тошкент 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I БОБ. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БОЗОРДАГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	6
1.1. Эркин иқтисодий зоналарнинг мазмуни, тамойиллари ва тузилиш сабаблари.....	6
1.2. Жаҳон иқтисодий интеграция жараёнларида эркин иқтисодий зоналарнинг роли.....	13
1.3. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни яратиш истиқболлари.....	22
II БОБ. НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ ЗОНА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ.....	32
2.1. Эркин иқтисодий зонанинг ташкил этилиши ва республикаимиз миллий иқтисодиётига ижобий таъсири.....	32
2.2. Навоий индустриал – иқтисодий зона шаклланиш асослари ва устувор йўналишлари.....	39
2.3. Навоий ЭИИЗ мультимодал транспорт логистика узели ва унинг иқтисодиёт ривожига аҳамияти.....	55
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯСИДА НАВОИЙ ИНДУСТРИАЛ – ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИНГ РОЛИ.....	66
3.1. Навоий эркин индустриал – иқтисодий зонасида хорижий инвесторлар учун белгиланган имтиёзлар ва унинг ҳуқуқий асослари.....	66
3.2. НИИЗнинг Навоий вилояти ижтимоий ва иқтисодий соҳаларида юзага келтирадиган истиқболли имкониятлари.....	74
ХУЛОСА.....	86
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	89
ИЛОВАЛАР.....	94

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги пайтда кўпгина мамлакатлар ўзининг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрнини ўзгартириш ва жаҳон бозоридаги қатнашувини янада фаоллаштириш мақсадида турли хил иқтисодий ривожланиш усуллари ўз зоналарида синаб кўришмоқда. Бу иқтисодий усулларга мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кўтариш, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, валюта тушумларини кўпайтириш, бир ёқламали ишлаб чиқаришдан қутилиш, саноат тармоқларига янги ноу-хау технологияларни жалб қилиш, ва мамлакатнинг тўлов балансини яхшилаш мақсадида, алоҳида ҳуқуқий божхона мақомига эга бўлиш орқали хорижий капитални жалб қилиш учун энг муҳими қулай ва ишончли инвестиция муҳитини шакллантиришларни киритишимиз мумкин. Қатор мамлакатлар жумладан, Хитой, Жанубий Корея, Ирландия, Венгрия каби мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, инвестициявий фаолликни рағбатлантирувчи жуда самарали йўл сифатида эркин иқтисодий зоналарни (ЭИЗ) шакллантириш деб қаралмоқда.

Юқоридаги фикрлардан ҳам аёнки, тобора тараққий этиб бораётган мамлакатимиз иқтисодиётида эркин иқтисодий зоналарни (ЭИЗ)ни шакллантириш ва уларни ривожлантирувчи истиқболли йўллари излаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Республикаимиз Президенти И.А.Каримовнинг “Ҳамма режа-дастурларимиз ватанимиз тараққиётини мустаҳкамлашга ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли китобларида ЭИЗда ўз фаолиятини бошлаган логистика марказининг келажак истиқболлар ҳақидаги маълумотларни, Авдокушин Е.Ф.Международные экономические отношения, Друзник Я.С. Свободные экономические зоны, Зименков Р.И. Свободные экономические зоны, Ломакин В.К. Мировая экономика, Фаминский И.П.

Глобализация — новое качество мировой экономики. Учебное пособие, Андрианов В.Д. Специальные экономические зоны. «ЭКО» журналы, Мозиас П., Яковлева В. Внешнеторговая политика Китая после присоединения к ВТО. Журнал “МЭ и МО”, Потанин В. “Инвестиционный климат в Китае”, Христов А.Г. Свободные экономические зоны мира; бундан ташқари, ўқув мавсуми давомида факультетимиз профессорлари Солиев А.С., Абдусаломов М.М., доц. Назаров М.И. каби устозлар ўтган ўқув дарсликларда НИИЗга бағишланган мавзулар, ҳамда проф. Назарова Г.Г., доц. Халилов Х.Х., кат.ўқ. Сафаров Н.Ч. ва бошқалар муаллифликлари остида чоп этилган “Эркин иқтисодий зоналар” номли дарсликни, Ваҳобов А.В., Хожибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. “Хорижий инвестициялар” номли ўқув қўлланмани, НИИЗга республикамиз зонаида яратиладиган имтиёзларни ўзида мужассам этган қарор ва қонунлар, Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш йилида эркин иқтисодий зонага бағишлаб чиқарилган мақолалар(проф. А.Ш.Бекмуродов ва к.и.х. Н.Т.Каттаев ТДИУ; доц.Ҳ.Р.Ҳамроев БухДУ), интернетда прогнозлаштирилган ҳолатдаги нашр этилган мақолалар ва “Халқ сўзи” газетаси, “Молия ва иқтисод” журналидаги манбалар НИИЗ ҳақидаги умумий маълумотларни ташкил этмоқда.

Диссертация ишининг мақсад ва вазифалари. Ишнинг мақсади НИИЗнинг ташкил этилиши, шаклланиш жараёнини, ва фаолият тизимини мумкинқадар кенгроқ ёритиб беришдан иборатдир. Бу жараённи батафсил ёритиш учун қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

Эркин иқтисодий зоналар мазмуни, тамойили ва тузилиш сабабларини ёритиш ва Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни яратилиш истиқболларини таҳлил қилиш;

НИИЗнинг шаклланиши, мақсад ва вазифаларини аниқлаб олиш;

Эркин иқтисодий зонанинг иқтисодий географик ўрни ва қўшни регионларга таъсирини географик ўрганиш;

НИИЗнинг республикамиз миллий иқтисодиётида яратадиган имтиёз ва

кулайликларини ўрганиб чиқиш;

Республикамизда ташкил этилаётган эркин иқтисодий зонанинг хорижий инвесторлар учун яратаётган афзалликлари ва юзага келаётган муаммоларни таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Магистрлик диссертациясининг кўзланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун **тадқиқот объекти** сифатида “Навоий” аэропорти базасида шакллантирилаётган ЭИИЗ танлаб олинди. Ишнинг **тадқиқот предмети** эса НИИЗнинг вужудга келиши, кенгайтиш доираси ва келажакда риволанишини иқтисодий географик нуқтаи-назардан таҳлил қилиб чиқишдан иборат.

Илмий ишнинг янгилиги. “Навоий индустриал-иқтисодий зонаси” (НИИЗ)ни биринчи бор иқтисодий географик жиҳатдан ўрганилаётгани билан белгиланади.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 107 бет, шундан асосий матн 88 бет. Ишнинг асосий қисми ва иловаларда 10 расм, 7 та жадвал келтирилган. Адабиётлар рўйхатида 51 та манба берилган.

Г БОБ. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БОЗОРДАГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

1.1. Эркин иқтисодий зоналарнинг мазмуни, тамойиллари ва тузилиш сабаблари

Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) хўжалик юритишнинг янги шаклларида бири бўлиб, халқаро майдонда 50-60-йилларнинг бошларида пайдо бўлиб, 70-йилларнинг ўрталарида эса жаҳон хўжалигида кенг оммавийлашиб борди.

Эркин иқтисодий зоналарнинг яратилишида ташкилотчилар томонидан олиб борилаётган очик иқтисодиёт тамойиллари муҳим аҳамият касб этади. ЭИЗларнинг фаолияти асосан ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва тезлаштириш билан боғлиқдир. Эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик ташқи олам учун юқори даражада очикликка, божхона ва солиқ режимлари эса ташқи инвестициялар учун қулайликка эга бўлади¹.

Эркин иқтисодий зоналар мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва солиққа тортилишдан озод этилади, яъни бу ерда мамлакатнинг бошқа зоналарида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлардан кенг фойдаланилади.

Эркин иқтисодий зонани ташкил этувчи давлат бу зонада ишчи кучини янги ташкил этилган корхоналарга жалб этиши билан бир қаторда, янгидан-янги иш юритиш жараёнларни ривожлантириб, рақобатлашувчи корхоналарни яратиш хусусиятига ҳам эга бўлади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятларидан бири, бу зоналар таркибида қўшма корхоналарнинг биргаликда фаолият кўрсатиш тажрибаси ошиб борган сари эркин иқтисодий зонада янги иқтисодий қонунларни ишлаб чиқиш учун кенг йўналишлар вужудга келиши

¹ Назарова Г.Ғ., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Т.: 2011. 6-бет.

билан бир қаторда раҳбар-мутахассисларнииг малакасини ошириш, уларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш вазифаси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Эркин иқтисодий зоналар халқаро майдонда хўжалик ихтисослиги ва ташкил этилиш турларига қараб таснифланади. Бу тасниф асосида ЭИЗлар хўжалик ихтисослиги бўйича, биринчидан эркин савдо зонаи, иккинчидан саноат ва ишлаб чиқариш зонаи, учинчидан техник-технологияни жорий этиш зонаи, тўртинчидан хизмат кўрсатиш зонаи, бешинчидан комплекс зонаи, олтинчидан халқаро зоналарга бўлинади.

Ташкил этиш турларига қараб эса ЭИЗлар биринчидан территориал зоналарга, иккинчидан махсус тартибот (функционал) зоналарга бўлинади.

Жаҳон иқтисодиётида сервис хизматини кўрсатиш зоналари таркибига кирувчи оффшор зоналар муҳим роль ўйнайди. Эркин иқтисодий оффшор зоналари деб махсус солиқ тизими ўрнатилган зонага айтилади ёки бу зонани чет эл инвестицияси учун солиқ имтиёзлари қўлланиладиган зона деб ҳам аташ мумкин. Жаҳон хўжалигида катта мавқега эга бўлган оффшор зоналарга Мальта, Мэн, Британ-Виргин, Науру, Гонконг, Кипр, Багам ва Бермуд ороллари, шунингдек Сингапур, Лихтенштейн, Люксембург, Швейцария, Панама, Гибралтар бўғози мамлакатларини ҳам киритиш мумкин. Ҳозирги кунда жаҳон хўжалигида 300 дан ортиқ оффшор марказлар мавжуд бўлиб, уларнинг 70 дан ортиғи солиқ гаванларидир.

Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши қайси мамлакатда бўлишидан қатъий назар макро ҳамда микроиқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Макроиқтисодий сиёсатда, яъни иқтисодий ўсиш динамикаси ва баҳолаш тизими, пул муомаласи ва эмиссиясига, товарлар ва хизмат кўрсатиш турларининг экспорт ва импортера, ташқи тўлов баланси ҳолатига, олтин-валюта захиралари миқдорига, чет эл капитали қуйилмаларининг миқдорига, валюта курсининг ҳаракатига, ташқи савдо ва тўлов механизмларини ташкил этишига ўз таъсирини кўрсатади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар фаолиятида ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши билан товар ишлаб чиқарувчилар ўзларининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини халқаро майдонда сотиш ва ўзлари учун керакли бўлган маҳсулотларни воситачиларсиз сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Тадбиркорлар эса белгиланган солиқ ва божхона имтиёзларидан кенг фойдаланиб, ўтказиладиган ҳисоб-китобларда, яъни миллий валюта бозорларининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон хўжалигида ҳозирги кунда бир-бирига хос, лекин номлари турлича бўлган 2000 дан ортиқ эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 400 таси эркин савдо зоналари, 400 таси илмий-ишлаб чиқариш зоналари, 300 таси ишлаб чиқариш экспорт зоналари, 100 таси эса махсус зоналардан (оффшор марказлар, рекреация зоналари, экологик-иқтисодий зоналар ва туристик зоналардан) иборатдир².

Замонавий жаҳон хўжалигини ривожланиши шароитида мамлакатлар миқёсида ЭИЗлар сониинг ўсиб бориши натижасида уларнинг экспорт салоҳияти ва шунингдек яратилаётган иш ўринларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Бу эса мамлакатларга кириб келаётган валюта тушумларининг ва бандлик кўрсаткичларини ортишига сабаб бўлмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида фан-техникани қўллаб-қувватлаш зоналари хосдир. Бу зоналар фавқулодда ёки давлат қўмагида йирик илмий марказлар доирасида махсус ташкил этилади. Уларда миллий ва хорижий тадқиқотлар олиб бориш, лойиҳалаш, илмий-ишлаб чиқариш фирмалари жамланади ва ягона солиқ ва молиявий имтиёзлар тизимидаи кенг фойдаланади. Фан-техникани қўллаб-қувватлаш зоналари АҚШ, Японияда кенг тарқалган.

² Назарова Г.Ғ., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Т.: 2011. 8-бет.

60-йилларнинг ўрталарига келиб ривожланаётган мамлакатларда ЭИЗлар пайдо бўлди. Экспертларнинг фикрига кўра уларнинг сони 300 дан ортиқдир. Ривожланаётган мамлакатлардаги кўпгина ЭИЗлар Ирландиядаги Шеннон зонаининг андозасида экспорт-саноат зоналари шаклида ташкил топган бўлиб, улар асосан денгиз портлари ва аэропортларда жойлашган. Уларни ташкил этишдан мақсад алоҳида саноат тармоқларини тез ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни ҳамда илғор техника ва технологияларни жалб қилишдир. Ривожланаётган мамлакатларда ҳам ЭИЗлар ривожланган мамлакатларникига ўхшаш мақсадларда ташкил этилган бўлиб, бу қолоқ зоналарни ривожланувчи зоналарга айланишини таъминлайди. Аммо саноати ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда бу мамлакатларда ЭИЗларни яратишда асосий эътибор хорижий капиталларни жалб қилишга қаратилган.

Бугунги кунга келиб жаҳонда 2000дан ортиқ эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган бўлиб, улар жойлашган ўрнига кўра турли хил вазифаларни бажариши конкрет мақсад қилиб қўйилган. Улар қуйидагилар:

- Махсус имтиёзлар, барқарор қонуний база ва ташкилий ишларни соддалаштириш туфайли хорижий капитални ва илғор технологияларни жалб этиш.
- Тайёр маҳсулот экспортини кенгайтириш учун меҳнат тақсимооти афзалликларидан фойдаланиш.
- Мамлакат вқа минтақа бюджетига валюта тушумини ўсиши.
- Янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш.
- Ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаш соҳасида жаҳон тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш ҳисобидан шичи кучи малакасини ошириш.

Эркин иқтисодий зоналар ишлаб туришини таъминловчи хорижий инвесторлар бир қатор афзалликларга эга бўладилар: имтиёзли солиқлар, миллий бозорга кириш, кам унумли чиқимларни таъминлаш ва кам даромад

келтираётган тармоқларни бутунлай йўқ қилиб уларнинг ўрнига юқори миқдорда фойда келтирувчи ишлаб чиқаришни минтақага олиб кириш ва ўша зонадаги меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиб, арзонроқ ишчи кучи ҳисобига харажатларни маълум миқдорда камайтиришга эришиш, пасайтирилган фоиз ставкалар бўйича молиялаш имкони, ерга мулкчилик ҳуқуқи ва бошқалар.

Эркин иқтисодий зоналар жаҳон миқёсида миграция қилиб юрган капиталлар учун ўзига хос “қопкон” вазифасини ўтамоқда. Хорижий капитални миллий иқтисодиётга жалб қилишдан ташқари саноат эркин иқтисодий зоналарини яратилишини 3 асосий вазифа билан боғлайдилар:

-Саноат экспортини рағбатлантириш ва бунинг асосида валюта маблағларини қўлга киритиш;

-Бандлик даражасини ошириш;

-Зоналардан хўжалик юритишнинг янги методларини жорий қилиш учун синов майдони полигон сифатида фойдаланиш.

Эркин иқтисодий зоналарнинг яна бир афзаллик хусусияти шундаки, мамлакат миллий иқтисодиёти хорижий капитал учун ўз иқтисодиётини тўла очиб беришни ёки махсус инвестицион иқлимдан тўла фойдаланишни хохламайди, махсус зона сифатида қисман, локал очиклик сифатида қўллайди.

Турли мамлакатларда конкрет вазифасига қараб эркин иқтисодий зоналарнинг яратилиши мақсадлари турли туман бўлиши мумкин: АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония каби энг ривожланган мамлакатларда депрессияга учраган зоналарда майда ва ўрта бизнесни жонлантириш мақсадида зонаий сиёсат сифатида амалга ошади ва тадбиркорларга, бошқа районларга қараганда кўпроқ фаолият эркинлиги молиявий имтиёзлар берилади. Ушбу программалар хорижий капитални жалб қилишга қаратилмаган. Ривожланаётган мамлакатларда ҳам шакллантирилаётган эркин иқтисодий зоналардан мақсад илгари иқтисодий жиҳатдан қолоқ

бўлган районларни имкониятларини ҳар тарафлама кенгайтиришдан иборат бўлган.

Эркин иқтисодий зоналарни тузишда икки концептуал ёндашиш мавжуддир: территориал ва функционал. Биринчи ёндашувда зонадаги барча резидент корхоналари хўжалик мижозлардан фойдаланадилар. Иккинчи ёндашувда эса бу зона хўжалик юритувчи муайян шаклига, соҳа бўлсин, корхона бўлсин уларга нисбатан мамлакатнинг қайси нуқтасида бўлмасин имтёзли шароит қўлланади. Биринчи типга Бразилиядаги Манаус ва ривожланаётган мамлакатлардаги экспорт ишлаб чиқариш зоналари кирса, иккинчи типга оффшор зоналар(Хитойдаги бир қанча регионларда фаолият юритаётган оффшор зоналар яққол мисол бўлади), “дьюти фри” магазинлар киради. Вақт ўтиши билан саноат зоналари ўзгариб борди, уларнинг зоналарига нафақат товарлар келтирила бошланди, балки айнан ўша маҳсулотлар шу зонанинг ўзида йўлга қўйила бошланди. Натижада саноат ишлаб чиқариш зоналари пайдо бўлди.

Дастлабки эркин савдо зоналари халқаро савдони ривожлантиришга қаратилган сиёсат воситаси бўлганлиги сабабли, улар товарлар ҳаракатининг халқаро йўналишларига яқин жойлашган минтақаларда кенг ёйилган.

Саноат ишлаб чиқариш зоналари махсус божхона режими мавжуд бўлган экспортга мўлжалланган ёки импортни ўрнини қоплайдиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган зонада тузилади. Бу зоналар сезиларли даражада солиқ ва молиявий имтиёзлардан фойдаланиш режимида давлат режимида давлат саноатининг энг устувор тармоқларини ривожланишини таъминлайди. Баъзан пировард маҳсулот импорт ускуналар ва технологиялар ёрдамида маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилади.

Ҳозирги даврда фан ва технология шиддат билан ривожланиб бормоқда, янгидан – янги бир – бирини такрорламайдиган техника ютуқлари қўлга киритилмоқда. Бунга яққол мисол қилиб III – авлод зоналарини, яъни илмий технология зоналарини мисол тарзида кўрсатишимиз мумкин. Бундай

зоналарни келиб чиқиш шароитига қараб, турли мамлакатларда турлича номлашади, масалан АҚШда технопарклар, Японияда технополислар деб атайдилар. Илмий технология зоналарининг ичида энг машҳури бу Силикон Веллидир. У АҚШнинг Калифорния штатига яқин жойлашган ва компютер ҳисоблаш техникасига зарур бўлган эҳтиёт қисмларнинг 20% ини етказиб беради. Бу зонада 20 минг ишчи хизматчи ишлайди ва бундай зоналардан биргина АҚШнинг ўзида 80 дан ортиқ. Японияда технополислар 20 дан ортиқ, Хитойда эса 20 яқин янги ва юксак технологияларни ривожлантириш марказлари мавжуддир.

IV – авлод: оффшор зоналардир. “Оффшор” (“off shore”) инглизча сўз бўлиб, қирғоқдан ташқраида, деган маънони англатади. Оффшор зона эса муайян давлатнинг иқтисодий жиҳатдан эркин зонадир. Бузонада юридик мақомга эга шахсларга нисбатан солиқ имтиёзлари яратилади, бухгалтерия ҳисоботи ва аудит бўйича талаблар пасайтирилади, божхона тўловлари ва савдо чекловлари қисман ёки бутунлай олиб ташланади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг умумий характерли томони шундаки, уларда ушбу мамлакатда тадбиркорларга қўлланадиган умумий режимга қараганда қулай божхона инвестицион молиявий имтиёзлари ва афзалликлари мавжуддир. Ушбу имтиёзлар 4 га бўлинади: молиявий, солиқ, маъмурий ва ташқи савдо имтиёзларидир.

Молиявий имтиёзлар

- Субсидия ва имтиёзли кредитлар бериш.
- Арзон баҳода коммунал хизматлар кўрсатиш.
- Участкалар ваишлаб чиқариш, улардан арзон ижара ҳақи.

Солиқ имтиёзлари

- 20 йилгача даромад солиғи тўлашдан озод қилиш.
- Қайта инвестицияланувчи фойдага солиқ солмаслик.
- Хорижий ходимларни даромад солиғидан озод этиш.
- Солиқ таътиллари.

- Жадаллаштирилган амортизация.

Маъмурий имтиёзлар

- Инвесторларни инфратизим восита билан таъминлаш.
- Қулай шароит билан ижарага бериш.
- Рўйхатдан ўтказиш ва божхона муолажаларини соддалаштириш.
- Хорижий фуқароларни келиб кетишини осонлаштириш.

Ташқи савдо имтиёзлари

- Экспорт – импорт божларини камайтириш ёки бекор қилиш.
- Эркин иқтисодий зоналардан товарлар экспортини квоталар ва лицензиялардан озод қилиш.
- Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартибини соддалаштириш.

1.2. Жаҳон иқтисодий интеграцияси жараёнларида эркин иқтисодий зоналарнинг роли

Эркин иқтисодий зоналар жаҳон иқтисодиётида хўжалик юриштиришнинг янги шакллари билан бири бўлиб, халқаро майдонда XX асрнинг 50 ва 60-йилларининг бошида пайдо бўлди, 70-йилларнинг ўрталарига келиб эса жаҳон хўжалиги майдонида кенг географик кўламда оммавийлашиб борди. Бундай зоналар дастлаб саноат ишлаб чиқариши ниҳоятда ривожланган классик мамлакатлар - АҚШ, Япония, Германия ва Буюк Британияда, кейинчалик эса Хитой, Польша, Венгрия ва Болгария каби ўртача ривожланган давлатларда ҳам ташкил топди.

Жаҳон хўжалигини ривожланиш тажрибасидан маълумки, ЭИЗлар даставвал дарё ва денгиз портларида, халқаро аэропортларда, темир ва автомобиль йўлларига яқин бўлган зоналарда сайёҳлик ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган саноат марказларида ташкил топган. Чунки, бундай зоналар товар ва моддий бойликларни жаҳон бозорларига олиб чиқишда, хорижий инвестицияларни миллий давлатлар иқтисодиётига жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ғарб мутахассисларининг фикрича 2000 йилга келиб жаҳон товар

айланмасининг 30%и турли эркин иқтисодий зоналарда рўй беради. Халқаро корпорациялар ўз фаолиятлари учун имтиёзли шароитларни қидириб, ЭИЗларни кўп фойда олиш мумкин бўлган жой сифатида кўришади. Йирик халқаро корпорациялар эркин иқтисодий зоналарда ўз ишлаб чиқаришларини ташкил қилишни экспансияларининг муҳим йўналиши деб ҳисоблайдилар.

Кўплаб ривожланаётган давлатлар учун эркин зоналарда ишловчиларнинг ҳаёт даражаси, ишлаб чиқариш салоҳиятининг жамланиши, давлат зонадан «ташқарида» эканлиги маъносида «махсус» зоналар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу зоналарни «махсус иқтисодий зоналар» дейиш тўғрироқ бўлади

Эркин иқтисодий зоналар нима учун ташкил қилинади? Нега улар жаҳонда кенг тарқалган? Эркин иқтисодий зоналар уларни ташкил қилувчилар томонидан очиқ иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишдаги муҳим босқич сифатида қурилади. Уларнинг фаолият кўрсатиши ташқи иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш ва эркинлаштириш билан боғланади. Эркин иқтисодий зоналарнинг иқтисодиётининг ташқи дунёга очиқлиги катта даражада бўлади. Божхона, солиқ ва инвестицион режими эса ташқи ва ички инвестициялар учун қулайдир.

Амалда эркин иқтисодий зоналар жаҳон капитал хўжалиги миқёсида миграция қилиб юрган капитал учун қопқон ҳисобланади.

Мамлакат ичидаги иқтисодий жараёнларни фаоллаштиришда фойдаланиш учун хорижий капитални жалб қилишдан ташқари саноат эркин иқтисодий зоналарнинг яна учта вазифаси кўрсатилади:

- саноат экспортини рағбатлантириш ва шу орқали валюта маблағларини жалб қилиш;
- бандлик даражасини ошириш;
- зоналарни хўжалик юритишнинг янги усулларини синаш майдониغا, миллий хўжалик ривожланишининг қутбига айлантириш;

Эркин иқтисодий зоналар ташкил қилишнинг муҳим сабабларидан

бири шундаки, кўпинча давлат иқтисодиётини капитал оқими учун тўлик очишни, ўзига хос инвестиция оқимини ҳамма жойда ишлатишни истамайди. Шунинг учун ҳам махсус зона сифатида қисман очикликни ишлатади.

Эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш ва улар фаолиятининг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жаҳон бозори билан интеграцияни чуқурлаштириш, халқаро иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш мақсадида тўзилган зоналар (эркин савдо зонаи, экспорт ишлаб чиқарилиши, божхона ва бошқа зоналар) билан бирга маълум бир фаолият шакли ва ишлаб чиқариш соҳасини рағбатлантириш учун ташкил қилинган алоҳида режимли махсус зоналар ҳам мавжуд бўлади. Масалан, қолоқ туманларни ривожлантиришни, қолоқ туманларни саноатлаштиришни рағбатлантирувчи махсус зона. Шунинг учун эркин иқтисодий зоналар ташкил қилишнинг сабаблари ва мақсадлари ҳар бир ҳолатда узгача бўлиб, бир-бирига ухшамаслиги мумкин. Масалан, АҚШ, Буюк Британия каби саноати ривожланган давлатларда эркин иқтисодий зоналар депрессияга учраган туманларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган минтақавий сиёсатни амалга ошириш учун ташкил қилинган. Бу мақсадда тадбиркорларга (кичик ва ўрта) мамлакатнинг бошқа туманларидагига нисбатан кўпроқ фаолият эркинлиги ва сезиларли молиявий имтиёзлар бериларди. Бу дастурлар хорижий капитал жалб қилишга қаратилмаган.

Худди шу мақсадда ривожланаётган давлатларда ҳам эркин иқтисодий зоналар ташкил қилинади. Бу эса қолоқ туманларни динамик равишда ривожланаётган туманларга айлантириш имкониятини беради. Аммо саноати ривожланган давлатлардан фарқли равишда бу мамлакатларда кўпроқ хорижий капитални жалб қилишга ҳаракат қилинади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкилий, ҳуқуқий тизими турли-тумандир. Айрим ҳолларда у ёки бу эркин иқтисодий зонани аниқ классификациялаш қийин, чунки улар кўплаб зоналарнинг хусусиятларига эга. Россиялик мутахассислар томонидан хўжалик ихтисолашуви - зонада

фаолият кўрсатаётган асосий кўпчилик фирмаларнинг ихтисослашуви бўйича классификация ишлаб чиқишган. Эркин иқтисодий зоналар классификациясидаги марказий ўрин саноат қайта ишлаш зоналарига берилган.

Эркин иқтисодий зоналарнинг кўринишлари:

- I. Савдо
- II. Саноат-ишлаб чиқариш
- III. Техника киритиш
- IV. Хизмат
- V. Мажмуавий
- VI. Халқаро

Эркин иқтисодий зоналарнинг турлари:

- Эркин божхона
- Банд омборлари
- Эркин портлар
- Эркин савдо зоналари импорт ўрнини босувчи
- Экспортга ишлаб чиқарувчи
- Саноат боғлари
- Илмий-саноат боғлари
- Мақиладорас (Мексикада ЭИЗларнинг номланиши)
- Технополис
- Технобоғ
- Янги ва илғор технологияларни ривожлантириш зонаси.
- Оффшор.
- Молиявий марказлар.
- Банк хизматлари зонаси.
- Туризм хизматлари.
- Экобоғлар

Эркин иқтисодий зоналарнинг энг оддий кўринишларидан бири эркин божхона (божсиз) зоналари (ЭБХ) ҳисобланади. Бу зоналар эркин савдо зоналари каби биринчи авлод зоналарига киради. Улар XVII-XVIII асрлардан буён мавжуд. Бу зоналарда транзит ёки кассигнацион омборлар, экспортга мўлжалланган товарларни қадоклаш ва кам миқдорда қайта ишлаш бўлади. Бундай зоналарни кўпинча банд омборлари ёки эркин божхона зоналари деб аталади. Эркин божхона зоналари товар олиб кириш ва олиб чиқишда бождан озод қилинади. Улар кўплаб мамлакатларда мавжуд.

Эркин савдо зоналари (ЭСЗ) ҳам дунёда кенг тарқалган. Эркин савдо зоналари АҚШда энг кўп ривож топган. Уларни ташкил қилиш 1934 йилдаги махсус қонунда назарда тутилган. Унинг мақсади савдони рағбатлантириш, савдо операцияларини тезлаштириш, савдо ҳаражатларини камайитиришдан иборат.

Бундай зоналар АҚШ ҳудудидаги чекланган жойлар бўлиб, улар доирасида умумий хўжалик юритиш режимига, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолиятда нисбатан имтиёзлар ўрнатилган. Қонунда ҳар бир расмий порт қошида камида битта эркин ташқи савдо зонаи ташкил қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

АҚШ қонунчилигига мувофиқ мамлакат ҳудудидаги эркин савдо зоналари умумий ва махсус (субзона) зоналарга ажратилади. Умумий зоналар кичик зонада (бир неча кв. км.) жойлашадилар ва миллий бож зонаидан ташқарида бўладилар. Уларда киритилган товарларни омборга жойлаштириш ва қайта ишлаш амалга оширилади. Субзоналар фаолияти умумий зонадан ташқарига чиқувчи алоҳида йирик компаниялар учун ташкил қилинади. Субзоналарда экспорт учун ёки импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилади. 90-йилларнинг ўрталарига келиб АҚШда 500га яқин эркин савдо зоналари мавжуд эди.

Оддий эркин савдо зоналари қаторига йирик халқаро аэропортлардаги махсус «дьюти фри» магазинларини қўшиш мумкин. Режим нуқтаи

назаридан улар давлат чегараларидан ташқарида деб ҳисобланади. Эркин савдо зоналари қаторига имтиёзли ҳолатга эга бўлган ананавий эркин портларни киритиш мумкин.

Саноат ишлаб чиқариш зоналари иккинчи авлод зоналари ҳисобланади. Улар эркин савдо зоналарига фақат товар эмас, капитал ҳам олиб кирилиши ва уларда фақат савдо билан эмас, ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланилиши оқибатида эркин савдо зоналарининг эволюцияси натижасида вужудга келди.

Саноат ишлаб чиқариш зоналари махсус бож режимига эга бўлган зоналарда ташкил қилинади. Уларда экспорт учун ёки импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқилади. Бу зоналар сезиларли солиқ ва молиявий имтиёзларга эга бўладилар. Экспорт ишлаб чиқариш зоналари (ЭИЧХ) айниқса ривожланаётган давлатларда кенг тарқалган. Бундай зоналарнинг замонавий модели 1959 йилда Ирландиянинг Шеннон аэропортида ташкил қилинган зонаий тизимга асосланади. Бундай зоналардан «янги индустриал давлатларда» энг катта самара олинган. Экспорт ишлаб чиқариш зоналарини ташкил қилиш мантики ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти билан белгиланган эди. 60-йилларнинг ўрталарида бу ерда саноат экспортини рағбатлантириш ва хорижий капитал оқими ёрдамида бандлик даражасини ошириш зарурияти туғилган эди.

Техника киритиш зоналари учинчи авлод зоналари ҳисобланади (70-80-йиллар). Улар стихияли тарзда ҳосил бўлади ёки махсус равишда давлат ёрдамида йирик илмий марказлар атрофида ташкил қилинади. Уларда ягона солиқ ва молиявий тизимдан фойдаланувчи миллий ва хорижий тадқиқотчилик, лойиҳа, илмий-ишлаб чиқариш фирмалари жамланади. Энг кўп техника киритиш зоналари АҚШ, Япония, Хитойда фаолият кўрсатмоқда. АҚШда уларни технопарклар, Японияда-технополислар, Хитойда-янги ва илғор технологиялар зонаи деб аталади.

Жаҳонда энг машҳур ва АҚШда энг йирик «Силикон Вэлли» номли

технопарк жаҳон ҳисоблаш техникаси воситалари ва компьютерлар ишлаб чиқаришининг 20%ини беради. Умуман АҚШда 80дан ортиқ бундай зоналар мавжуд. Японияда махсус ҳукумат дастурлари доирасида илғор илмий ташкилотлар асосида йигирмага яқин технополислар ташкил қилинган. ХХРда ҳам бундай зоналар одатда давлатнинг илм ва техникани ривожлантириш режаларини амалга ошириш пайтида ташкил қилинади. 90-йилларнинг ўрталарида Хитойда 50дан ортиқ янги ва илғор технологияларни ривожлантириш зоналари ишламоқда.

Турли молия-иқтисодий, суғурта ва бошқа хизматлар кўрсатувчи фирма ва ташкилотлар учун талбиркорлик фаолиятининг имтиёзли шароитлари яратиладиган зоналар сервис зоналар деб аталади.

Сервис зоналар қаторига оффшор зоналар (ОХ) ва солиқ гаванлари (СГ) киради. ОХ ва СГ тадбиркорларни қулай валюта-молия, фискал шароитлар, банк ва тижорат сирларининг яхши сақланиши, давлат бошқарувининг камлиги билан ўзига жалб қилади.

Эркин иқтисодий зоналар (бундан кейин – ЭИЗ) – ХХ асрнинг иккинчи ярим йиллигининг энг кўзга ташланадиган институционал инновациясидир. “ЭИЗ, - америкалик олимлар М.Фразье ва Р.Рэннлар фикрича, - иқтисодий ривожланиш жабҳасида инсониятнинг энг қадимий ва шу билан бирга энг замонавий ғояларидан биридир”. ЭИЗларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун , уларни жаҳон хўжалигининг мамлакат ичидаги “ороллар”, хорижий инвестиция, технологиялар, бошқариш тажрибасининг оқиб келувчи “деразалари”, жаҳон хўжалигига уйғунлашиб кетишда “эркин эшиклар” деб номланувячи янги сиёсатдир, деб номлайдилар.

ЭИЗ мамлакатни “жадал равишда модернизациялаш” усули сифатида чиқади, чунки бозор трансформацияси билан параллел равишда жаҳон иқтисодиётига киришни таъминлайди. Ёпиқ иқтисодиётдан очик иқтисодиётга, тоталитар иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига эволюциялашиб борар экан ЭИЗ бу масалада ҳам тажриба базасини ўтайди. Анклав

характерда бўлган, мамлакатнинг кичик бир қисмини эгаллаган ЭИЗ бутун мамлакат иқтисодиётини глобал равишда либераллаштириш бутун мамлакатга нисбатан устунликка эга. Чунки кичик территорияни тартибга солиш, салбий оқибатларни бартараф этиш анча осон бўлади.

ЭИЗ – савдо, молиявий ишлаб чиқариш, технологик каби алоқа муносабатларининг ўта концентрациялашган ўчоғидир. Унда тадбиркорлик, бозор муносабатлари ривожланиши жуда юқори даражада бўлади. ЭИЗлар турли хил мамлакатларнинг миллий иқтисодиётлари учун авваламбор, бажариши зарур бўлган вазифалари ва мақсадлари билан фарқланадилар. ЭИЗ жамиятда қуйидаги функцияларни бажаради:

- Савдони ривожлантириш функцияси. Ташқи савдо ривожланишига ва мамлакатлар ўртасида консигнация – реэкспорт ҳамкорлигига кўмаклашиш.
- Саноатни ривожлантириш функцияси. Ишлаб чиқарувчиларни хом ашё ва ярим фабрикатларни ишлаш ва қайта ишлаш бўйича фаолиятларини рағбатлантириш.
- Регионни ривожлантириш функцияси. Регионда иш жойларни кўпайтириш йўли билан хўжалик фаолиятини иқтисодий жиҳатдан жойлаштириш ва ҳажмини ошириш.
- Транспорт соҳасини ривожлантириш функцияси. Транспорт хизматлари бозорида аҳволни яхшилаш, транспорт харажатларини ҳар томонлама тежаш.
- Ишончни ривожлантириш функцияси. Бу функция қолоқ ва трансформация ҳолатидаги мамлакатлар учун муҳим. Зонадаги ва унга қўшни районлардаги тадбиркорлар ва бутун меҳнаткаш аҳолига мавжуд муаммоларни тез ҳал қилиш ишончини уйғотади.
- Синов функцияси. ЭИЗ жамиятнинг техник ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишнинг синов лаборатория вазифасини бажаради. Бунда янги товар, товарнинг янги хоссаси, бошқаришнинг янги усули, хўжалик юриштишнинг янги шакли ва ҳакозолар.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда ЭИЗ маълум муддатна (20-30 йил) мўлжалланган иқтисодий ўсишнинг асосий концепцияси бўлиб қолди (Масалан, Исроил, Жанубий Корея, Малайзия, Венгрияда). Бу мамлакатларда одатда хорижий инвестицияларни жалб қилиш усули сифатида экспортга мўлжалланган саноат ишлаб чиқариши зоналарни ривожлантириш тенденцияси намоён бўлади.

ЭИЗ ташкил этиш самарадорлиги авваламбор ташкил этишдан аниқ қўйилган мақсад, тўғри танланган имтиёзлар тизимига боғлиқ. Агар қўйилган мақсадлар сони кўп бўлса ва аниқ белгиланмаган бўлса, имтиёзларни асосиз равишда фаолиятини ҳамма турларига тарқалиши ва охир-оқибат ЭИЗнинг самара бермаслигига сабабчи бўлади.

ЭИЗ нафақат ўз территориясига, балки ўз территориясидан ташқарига, миллий иқтисодиётга кучли таъсир этади. Бу таъсир асосан модернизациялаштириш характериغا эга ва у қатор канал, механизмлар орқали амалга ошади. Бу таъсирлардан бири-зонанинг алоҳида олинган мамлакат даражасида кўзга ташланишидир. Ўзининг янгилиги билан, бу зоналар ва унда ташкил этилган хорижий фирмалар миллий тадбиркорликнинг эътиборини ўзига жалб қилади. Натижада зонада қўлланилаётган ишлаб чиқаришни бошқариш, ташкил этиш ва экспортни ривожлантириш борасидаги янги усулларни зонадан ташқарида қай тарздадир ўрганиш самарасини пайдо қилади. Самара дарров кўзга ташланмайди, аммо вақт ўтиши билан, унинг натижаси яққол бўлиб бораверади.

ЭИЗларнинг яхши самара беришининг энг муҳим сабабларидан бири шундан иборатки, одатда унинг территориясида фаолият юритаётган корхоналарда фойдалилик даражаси 25-30 фоизни, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг айрим зоналарида эса 40-50 фоизни ташкил қилиши ҳисобланади. Бу инвестицияни киритишда кучли стимул бўлиб хизмат

килади. Хитой каби давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ЭИЗларни ташкил этиб, уларда қулай инвестиция муҳитини ярата олганлиги сабабли, олдин эркин иқтисодий зоналарда, кейин эса бутун мамлакатда инвестиция оқими жадал суъратлар билан ўсди, бунинг оқибатида миллий иқтисодиётни юқори суъратлар билан ўсиш имконига эга бўлди.

ЭИЗ механизмидан республикада фойдаланиш Президент И.А. Каримов ташаббуси билан 2008 йилда, Навоий шаҳри аэропорти базасида ташкил этиш билан бошланган эди. Бу зонада инвестицион жараёнлар жадал суъратлар билан кечмоқда. Бироқ, XXI аср бошида ер юзида ЭИЗларнинг сони 7 минг ошиб кетган, бизда эса уларнинг сони жудаям кам. Бу эса Ўзбекистон каби яқин келажакда миллий иқтисодиётни жадал ўстириб, саноати ривожланган давлатлар қаторига чиқиб, халқига фаровон ҳаёт яратиш бериш вазифасини қўйган давлат учун камлик қилади. Яқин келажакда ЭИЗларнинг сонини ошириш ва уларнинг турли шаклларини республикада киритиш мамлакат олдида турган долзарб масалаларидан бири, деб ҳисоблаймиз.

Хуллас, жаҳон амалиётида иқтисодий ўсишни жадаллаштиришнинг кучли қуроли бўлган ЭИЗ механизмини республикада катта ҳажмда олиб кириш вақти келди.

1.3. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни яратиш истиқболлари

“Ўзбекистондаги ислохотлар ва янгиланиш жараёнларига баҳо берар эканмиз, шуни таъкидлашни истардимки, ҳаётимизни барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларни асосий боғловчи бўғинига айланди” И.А.Каримов (Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Тошкент, “Ўзбекистон”). Мамлакатимиз ривожланиш стратегиясининг биринчи устувор йўналиши ҳам давлат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш қилиб белгилаб олинди. Бу борада жуда кўп қонун ва

қарорлар қабул қилинди. 1996 йил апрелда қабул қилинган “Эркин иқтисодий зоналар” ҳақидаги қонун республикани жаҳон хўжалик тизимларига интеграция жараёнларини жадаллаштиришда, иқтисодий эркинлик ва самарали ўтиш даврининг асосий ўзагини ташкил этади.

“Жаҳон тажрибалари ҳар томонлама ўрганиш, иқтисодий ислохотларни ўтказиш бўйича жаҳон тажрибасида тўпланган барча мутараққий ишларни кенг қўллаш” ижтимоий, иқтисодий тараққиётни янгилашнинг биринчи йўлидир.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон ҳамжамияти аъзоларига нисбатан очиклик даражасини таъминлайдиган бир қатор шартномалар, қонуний асослар, савдо иқтисодий ҳамкорликни олиб бориш учун шарт-шароитлар яратилди. Жаҳон хўжалик фаолиятини ўрганар эканмиз, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ва уларни фаолияти, алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашимиз лозим. Эркин иқтисодий зоналарнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай территориял анклавлар зонани ташкил қилган мамлакат учун юқори иқтисодий самара бериб, минтақанинг кўп муаммоларини ҳал қилишда роли каттадир. Эркин иқтисодий зоналар ривожланиш тарихи узоқ ўтимшга бориб тақалиб, улар 19 асрнинг бошларида Фарбий Европа, Буюк Британия, Германия каби давлатларнинг савдо портлари, очик шаҳарлар, божсиз зоналар шаклида бўлиб, улар у ерда яратилган маълум имтиёзлар асосида савдо иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ижобий таъсир этдилар.

ЭИЗларнинг ҳозирги вақтда 25 га яқин функционал моделлари мавжуд бўлиб, улар иқтисодий ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатларда фаолият кўрсатиб келмоқда.

ЭИЗлар нафақат ривожланиб келаётган мамлакатлар территориясида, балки саноати ривожланган давлатларда, янги индустриал мамлакатларда ҳамда ўтиш иқтисодиёти даврида бўлган мамлакатларда ҳам бўлиб, уларнинг бой тажрибасидан тўғри фойдаланиш ҳозирги замон давр талабига мос

келди. Ўзбекистон “эркин иқтисодий зоналар” қонунига асосан, республика зонаида бундай зоналарнинг уч модели, яъни 1) эркин савдо зоналар; 2) саноат зоналари; 3) технологик зоналарни ривожлантириш кўзда тутилган. Республикамизда эркин ҳамкорликда иқтисодий фаолият олиб бориш учун барча шарт-шароитлар яратилгандир. Хорижий инвесторлар учун халқаро аҳамиятда қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий қоидалар ва нормативлар яратилди.

Республикамиз ўзининг улкан иқтисодий салоҳияти, қулай табиий иқлимий шарт-шароитлари, маълум даражада малакали меҳнат ресурслари ва мустаҳкам қонуний асослари билан эркин иқтисодий зоналарни учдан ортиқ моделларини ташкил этиб, уларни ривожлантириш учун имкон яратди.


Хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда ЭИЗларнинг оптимал моделларини ташкил этиш, бир томондан республикамизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ижобий ва самарали таъсир этса, иккинчи томондан халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрнини кўтаради. Бундай ҳамкорлик асосида жаҳон иқтисодиётига хос бўлган фундаментал хусусият, яъни байналминаллашув жараёни ётади. Бу муносабатларнинг шаклланиши, жаҳон иқтисодиёти жараёнлари глобаллашувининг асосий мезонидир.

Мустаҳкам барқарор ишлаб чиқариш, савдо иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатлар ўртасида шаклланиши ва ривожланиши, бозор иқтисодиёти механизмининг муҳим элементларидан биридир. Шундай экан, қабул қилинган қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш, эркин иқтисодий зоналар тузишнинг техник-иқтисодий асосланган ривожланиш дастур ва проектларини ишлаб чиқиш биз илмий ходимлардан чуқур изланишларни талаб этади.

Назарий жиҳатдан Ўзбекистон учун функционал моҳиятли ЭИЗлар ривожланиши концепциясини ишлаб чиқариш мумкин. Эркин савдо зоналари “Буюк ипак йўли”, қўшни ҳамдўстлик чегараларида тузилса, эркин экспортга йўналтирилган саноат ишлаб чиқариш зоналарини эса табиий, ер

ости бойликлари, меҳнат ресурсларига бой бўлган территорияларда технологик паркларни тармоқ илмий текшириш институтлари, лойиҳа конструктор бюрolari ва олий ўқув юртлари ҳамкорлигидаги илмий марказларда ташкил этиш юқори, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара беради.

ЭИЗни яратиш концепцияси ва амал қилиши(1-расм)



Бундай лойиҳа ва концепциялари ишлаб чиқаришда асосий муаммо, жаҳон инвестиция оламида инвестициялар учун кураш ва рақобат мавжуд бўлган бир пайтда, ЭИЗ ташкил этиш учун бир хил асосий(критерий) кўрсаткичларининг йўқлигидир. ЭИЗ тузиш ва ривожлантириш мақсадларини уч гуруҳга жамласа бўлади.

Булар қуйидагилар: 1) иқтисодий; 2) ижтимоий; 3) илмий техникавий мақсадлардир. Шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда республиканинг алоҳида олинган маълум территорияларида, турли мақсадларни амалга оширишга қаратилган ЭИЗ ларни маълум моделларини ривожлантириш лозим.

Республикада ЭИЗларни оптимал моделларини ривожлантириш, мавжуд жаҳон тажрибасининг биз учун бўлган иқтисодий самарали усулларида фойдаланиш, очиқ бозор иқтисодиёти тамойилларига амал қилган ҳолда, устувор йўналиш-иқтисодиётни эркинлаштириш ва жаҳон хўжалиги тизимига интеграция жараёнларининг чуқурлашувига олиб келади. Натижада тузишда қўйилган иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий мақсадларига эришилади.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни яратиш истиқболлари қай даражада кечади? Ҳар қандай зонада ҳам биринчи қўйиладиган талаб - сиёсий барқарорлик, электр – энергия билан етарли даражада таъминланганлиги, транспорт коммуникациялари етарли таъминланганлиги ва бошқалар. Кўпчилик инвесторлар сиёсий барқарорликни белгилловчи омил деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш учун нималар қилиш керак:

- ▶ Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини бутун хўжалик ҳуқуқий масалаларини тартибга солиш ва энг кераклиларини махсус ишлаб чиқиш,
- ▶ Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш,
- ▶ Зарур инфратизим: сув таъминоти, электр таъминоти, ижтимоий шароит ва бошқалар,
- ▶ Тижорат инфратизими: банк, консалтинг, юридик хизматларнинг мавжудлиги;
- ▶ Бозорга кира олиш;
- ▶ Меҳнат қиймати ва унумдорлиги;

- ▶ Мавжуд саноат базаси;
- ▶ Эркин иқтисодий зоналар маъмурий бошқарувининг самарали тузилмаси.

Ўзбекистонда ЭИЗни ташкил этиш иқтисодиётни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта қуриш жараёнидаги қуйидаги муҳим устувор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- ▶ Зоналарни ривожлантириш;
- ▶ Янги ишчи ўринларини яратиш,
- ▶ Иқтисодиётни ноанъанавий тармоқларини ривожлантириш,
- ▶ Ишлаб чиқариш жараёнига илмий ишланмаларни жорий этиш.

Эркин иқтисодий зоналар Ўзбекистон Республикаси учун янгилик бўлмай, балки аجدодлар анъанасининг давомидир. Ўзбекистонда ЭИЗларни ташкил этиш тўғрисидаги қарашлар концепцияси иқтисодчи олимларимиз томонидан ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама асослаб берилган. Жумладан, А.Ғ. Рахимованинг фикри бўйича Хоразм вилоятининг Хазорасп туманида эркин савдо зонасини ташкил этиш учун қулай имкониятлар мавжуд, чунки бу район орқали Эрон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Россияга олиб борадиган йўллар кесишганлиги сабабли товарлар савдосини жадал ривожлантириш мумкин. Шу билан бир қаторда худди шундай зонани Жиззахда ҳам ташкил этиш лозим, лекин бу иқтисодий зона Хазораспдан фарқли ўлароқ, кўпроқ индустриал саноат зоналарини ташкил этиш учун мўлжалланган.

Саноат худуди таркибида 60 дан ортиқ корхоналарни ташкил этиш ҳамда барча зарур алоқа воситаларини қуриш ишлари режалаштирилган. Ушбу корхоналар 15 мингдан ортиқ одамни иш билан таъминлаши лозим бўлиб, ҳозирги кунда хонаки лойиҳалар устида қизгин ишлар олиб борилмоқда. Комплексада маиший, маъмурий ва тижорат тузилмалари

хам ўрин олиши мўлжалланган. Лойиҳага кўра ушбу ЭИЗнинг ишлаб чиқариш корхоналари олдига қуйидаги вазифалар қўйилган эди:

- корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаши ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариши;
- экспортга ихтисослашган корхоналар, капитал талаб маҳсулотларни ишлаб чиқариши;
- табиий экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариши ва бошқалар.

“Саноат зоналари” нинг қурилиши ва ундаги корхоналарнинг фаолияти, маҳаллий ва ҳудудий корхоналарнинг бизнес тадбиркорлик имкониятларини янада ошишига олиб келади. Бевосита ва билвосита бандликнинг ўсиши кузатилади. Ишлаб чиқаришда самарадорликни ўсиши аҳолига қўшимча иш ўринларини яратилишига имкон беради. ЭИЗларда хорижий корхоналарнинг фаолият юритиши янги техник-технологияларни кириб келишига ва аҳолининг билим савиясини ўсишига олиб келади.

Қуруқликда ташкил этилган портлар контейнер порти ва омборлардан иборат бўлади. Ўз навбатида, темир йўл терминали, божхона хизмати, юклаш-ортиш каби механизмлар ҳам ушбу портда вужудга келади. Порт контейнер терминали ва логистик марказ вазифаларини бажаради. Бу портда транспорт воситалари алмашинуви содир бўлади. Лойиҳани амалга оширишда қўшма корхоналар муҳим роль ўйнайди. Ушбу қўшма корхоналарда Ўзбекистоннинг улуши 40 % ни, Япониянинг улуши эса 60 % ни ташкил этади. Япония экспертларининг фикрига кўра, бўлгуси саноат паркни қуруқликдаги портни ва шунингдек комплекс инфраструктурани бунёд этиш учун 185 млн. АҚШ доллари атрофида маблағ зарур бўлар экан³.

Мутахассислар томонидан таклиф этилган яна бир лойиҳа Наманган вилоятининг Давлатобод туманида ташкил этилиши мумкин бўлган ЭИЗдир. Умумий аҳолиси 1,7 млн. кишини, майдони эса 2218 гектарни ташкил этган

³ Назарова Г.Ф., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Т.: 2011. 15-бет.

туманда саноат паркини қуриш ишлари режалаштирилган бўлиб, ушбу саноат зонаининг майдони 50 га. дан ортиқ бўлиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон АҚШ “Airleasing” қўшма корхонасининг хорижий компаниялар билан (Буюк Британия, Италия, АҚШ ҳамда Самарканд вилоятининг маъмурияти) бирга ишлаб чиққан "Жанубий Пири" деб номланган лойиҳаси Самарқандни нафақат халқаро туризм марказига, балки зонанинг коммуникация йўллариини трансосиё ва паневропа транспорт тизимлари билан боғловчи йирик Марказий Осиё транспорт бўғинига айлантиришни ва шунингдек шаҳар яқинида эркин савдо зонаини ташкил этишни ҳам кўзда тутди. Лойиҳа ташаббускорларининг фикрига кўра, ушбу аэропортдан кунига Ҳиндистон, Покистон, Жануби-Шарқий Осиё ҳамда Европа давлатларининг ўнлаб самолётлари фойдаланишлари мумкин. Лойиҳанинг иқтисодий тақлилига кўра, масалан биргина БОИНГ-747 самолётидан фойдаланиш орқали ҳар бир рейсдаи тахминан 12 минг АҚШ доллари миқдорида фойда кўриш мумкин экан.

Лойиҳа тўлиқ хорижий инвестициялар асосида амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу лойиҳани амалга оширилиши республикада халқаро туризмни ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки Самарқандга хорижий компанияларнинг рейсларини ортиши Европа-Жануби-Шарқий Осиё маршрути бўйлаб кетаётган туристлар оқимининг (шу жумладан транзит) кўпайишига олиб келади.

Лойиҳани амалга оширилиши ўз навбатида нефтни экспорт қилишга катта имкониятлар яратади. Қоровулбозордан то аэропортгача 120 км. қувур ўтказиш орқали 500 минг тонна керосинни авиа учишлар учун сотиш имконини бериб, йилига 100 млн. АҚШ доллари миқдорида фойда олишни таъминлайди.


Экспертларнинг фикрига кўра, ЭИЗларнинг фаолият кўрсатиш шакли сифатида Самарқанд махсус очиқ халқаро туризм зонаси (МОХТЗ) бўлиши мумкин. Бу зонада махсус ҳуқуқий тартиб ўрнатилиши кўзда тутилган бўлиб,

у ўз ичига божхона, солиқ, молия соҳаларини, хорижий фуқароларнинг ҳаракатини тартибга солишни олади. Ушбу зонаий ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Буюк ипак йўлини қайта тиклашдаги иштирокини фаоллаштириш ва Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмни ривожлантириш бўйича чоралар тўғрисида” ги Фармонида ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида замонавий халқаро туризм инфратузилмасини яратиш бўйича чоралар тўғрисида” ги 1995 йилнинг 3 июнь 210-сон қарорида келтирилган. Ушбу фармонни бажариш мақсадида Самарқандда ЭИЗни ташкил этиш лойиҳаси тайёрланиб, у Давлат Мулк қўмитасида ҳам кўриб чиқилди ва унинг баъзи бир жойларини қайта кўриб чиқиш учун тавсия этилди. Лойиҳалаштирилаётган махсус очиқ иктисодий зона ўзининг нафақат географик жойлашуви билан, балки табиий ресурслари, хўжалик салоҳияти, турли этно-ижтимоий таркиби, маданий анъаналари, археологик - тарихий ёдгорликлари билан ҳам ажралиб туради. Шу билан бир қаторда Самарқанд халқаро стандартларга мос келадиган сервис хизматларининг кенг таркибини ўз ичига олувчи меҳмонхона комплексларига ҳам эга. Бу ерда уяли ва электрон алоқа хизматлари яхши йўлга қўйилган, темир йўл, автомобиль ва ҳаво йўл коммуникациялари ривожланган.

1996 йилда МОХТЗни ташкил этиш мақсадида Самарқанд вилояти ҳокимияти томонидан мутахассислардан иборат махсус гуруҳ тузилиб, улар Россиянинг Калининград вилоятидаги “Янтарь” эркин зонаи фаолияти билан яқиндан танишиб чикди. Ушбу гуруҳ аъзолари Исроил, Туркия, Хитой ва бошқа хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини умумлаштирди. 1997 йилнинг бошида Самарқандда МОХТЗни ташкил этиш концепцияси, дастури ва низомини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузилиб, у 1997 йилда ушбу зона лойиҳаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар устидаги барча ишларни тугатди. Лойиҳа халқаро туризмни ривожлантиришга бевосита ва билвосита

таъсир этувчи вазирлик ва ташкилотларга юборилиб, лойиҳа юзасидан таклиф ва мулоҳазалар олинди. Бироқ, ҳозирги кунга қадар ушбу лойиҳа юзасидан тегишли қарорлар қабул қилингани йўқ. Лойиҳа турли давлат муассасаларида кўриб чиқилиб, чуқур ўрганилмоқда⁴.

ЭИЗ механизмидан республикада фойдаланиш Президент И.А.Каримов ташаббуси билан 2008 йилда, Навоий шаҳри аэропорти базасида ташкил этиш билан бошланган эди. Бу зонада инвестицион жараёнлар жадал суъратлар билан кечмоқда.



2-расм. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасининг жаҳон бозорларига чиқиш имкониятлари (<http://www.navoi.uz>)

⁴ Назарова Г.Ғ., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Т.: 2011. 17-бет.

II БОБ. НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ ЗОНА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

2.1. Эркин иқтисодий зонанинг ташкил этилиши ва республикада миллий иқтисодиётига ижобий таъсири

Жаҳон иқтисодиётида ЭИЗларни ташкил этишнинг асосий мақсади - бу миллий давлатлар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш, чет эл инвесторлари иштирокида мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини активлаштириш, маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажмини ошириш, мамлакатнинг ички бозорига юқори сифатли маҳсулотлар ва хизматларнинг, янги техник-технологияларни кириб келишини таъминлаш, бозор иқтисодиёти шароитида янги хўжалик юритиш усуллари жорий қилиш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда самарадорликни ошириш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишни такомиллаштиришдан иборат.

Ҳозирги кунда жаҳон тараққиётининг ўзига хос хусусиятга эга бўлган белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсишида намоён бўлади. Бугунги кунда Республиканинг асосий экспортини анъанавий хомашё ресурслари, энергия ресурслари, пахта толаси, рангли ва қора металллар, минерал ўғитлар ва кимёвий маҳсулотлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар ташкил этмоқда.

Маълумки, экспортни кенгайтириш мамлакатимизга биринчидан, эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кўпайтирса, иккинчидан миллий валютани мустаҳкамлаш учун асос яратилади. Яъни, экспортни кенгайтириш бу корхоналарни янги технологиялар билан жиҳозлаб, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш (иш ҳақини ошириш, ижтимоий инфратузилмани кенгайтириш ва амалга ошириш) демакдир.

Мамлакатда мавжуд хўжалик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш учун замин яратиш мақсадида ҳукуватимиз томонидан зарурий ҳуқуқий асослар ва кенг имтиёзлар тизими яратилди. Бундай имтиёзлар чет эл сармояси билан ишлаётган қўшма корхоналар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Республикамиз Президенти таъкидлаб ўтганидек, “...ишончим комилки, хорижий шерикларимиз билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз етарли. Содда қилиб айтганда, бу борада ишончли қафолатларни яратиш, хорижий инвесторларнинг ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш даркор”⁵.


Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, 1998 йилнинг 30 апрелида қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини қафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ҳамда Солиқ кодекси чет эл сармояларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини ва тартибини белгилаб берган эди.

Табиийки, бундай сиёсий барқарорликка ва ишлаб чиқариш учун барча ҳуқуқий қафолатлари мавжуд бўлган юртга хорижий инвесторларнинг қизиқиши тобора кучайиб борди ва натижада Республикамиз Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 2008 йил 2 декабрда, Навоий шаҳри аэропорти базасида эркин индустриал – иқтисодий зона “ЭИИЗ” ташкил этилди. Ўзбекистонда эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш учун айнан Навоий вилояти бежиз танланмаган. Сабаби, бу ерда мавжуд саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 50 дан зиёд давлатларига экспорт қилинмоқда. Қолаверса, кейинги йилларда

⁵ И.Каримов. Ҳамма режа ва дастурларнинг ватанимиз тараққийини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади., 2011 й.

Қизилқум минтақасида нодир қимматбаҳо металллар, фосфорит хом ашёсининг янги конлари ўзлаштирилаётганлиги, янги замонавий корхоналар қурилиб, ишга туширилаётгани бу воҳанинг улкан миқёсдаги тараққиёт ва юксалиш йўлидан бораётганидан далолат беради. Булардан кўриниб турибдики, Навоий республикамызда саноат соҳасида улкан салоҳиятга эга вилоят.

Жаҳон амалиётидан маълумки, ЭИЗ турли мақсадларга эришиш учун ташкил этилади (3-расм).



3-расм. ЭИЗларнинг ривожланиш босқичлари

Биринчидан, ЭИЗ ташкил этишдан мақсад миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимоти жараёнига чуқур интеграциялашувини таъминлаш ҳисобланади. Рақобатбардош экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш

орқали валюта тушумларини кўпайтиришга эришилади. Агар мамлакат қандайдир сабабларга кўра хорижий тадбиркорлик капитали учун иқтисодиётнинг эркинлашувини таъминлай олмаса, унда эркин иқтисодий зона ташкил этиш орқали хорижий инвесторларга қулай инвестиция муҳитини яратиши мумкин:

Иккинчидан, ЭИЗ биринчи навбатда импорт ўрнини қопловчи маҳсулот ишлаб чиқариш, ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш учун ташкил этилади. Ушбу мақсадларга эришиш учун зонада хорижий капитал ёрдамида импорт ўрнини қопловчи ишлаб чиқариш барпо этилади.

Учинчидан, ЭИЗни махсус ташкил этишда халқаро меҳнат тақсимотига товар ишлаб чиқариш тармоқдари билан биргаликда туризм, маданият ва санатория-курорт соҳаларининг интеграциялашуви ҳам кўзда тутилади.

Тўртинчидан, ЭИЗ ишлаб чиқаришга хорижий технологиялар ва миллий илмий-техник янгиликларини татбиқ этиш орқали бутун миллий иқтисодиётда ундан фойдаланишни назарда тутди.

Бешинчидан, ривожланаётган мамлакатлар учун малакали кадрлар тайёрлаш ва ўқитишни назарда тутди.

Олтинчидан, махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш бирор зона ёки соҳанинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришни кўзда тутди. Мисол учун АҚШ ва Буюк Британияда махсус иқтисодий зоналар XX аернинг 80-йилларида иқтисодий турғунлик ҳолатидаги зоналарда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ташкил этилган. Ушбу зоналарда ишбидармонларга мамлакатнинг бошқа зоналарига нисбатан молиявий имтиёзлар ва хўжалик фаолияти эркинлиги берилади. Ушбу дастурлар хорижий капитални жалб этишни рағбатлантириш учун махсус йўналтирилган. Шу мақсадда қоқоқ худудларни ривожланган зоналарга айлантиришда асосий эътибор хорижий капитални жалб этишга қаратилади.

Еттинчидан, айрим мамлакатларда эркин иқтисодий зона иқтисодиётни модернизация қилишнинг минтақавий усули сифатида қаралади⁶.

Махсус иқтисодий зоналар ўзининг умумий мақсадларига кўра ўхшаш, бироқ, уларнинг функциялари хилма-хил ҳисобланади. Махсус иқтисодий зоналарнинг турли-туманлиги, уларнинг вужудга келиши ва ривожланиши катор омилларга боғлиқ.

Жаҳон амалиётида эркин иқтисодий зоналар хўжалик фаолиятининг ихтисослашувига кўра қуйидаги турларга ажратилади: эркин савдо зоналари, саноат-ишлаб чиқариш зоналари, илмий-технологик (технопарклар, технополислар), оффшор марказлар, иқтисодий-экологик ва тор соҳага ихтисослашган зоналар (туристик) ва комплекс зоналар (4-расм).



4-расм. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг хўжалик фаолияти ихтисослашувига кўра гуруҳланиши

⁶ Ваҳобов А.В., Хожибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Т.: 2010. 182-184 бетлар.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратишни талаб этади. Албатта, бундай долзарб вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар муҳим аҳамиятга эга.


Таъкидлаш жоизки, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш мамлакат ички бозоридаги иқтисодий жараёнларни фаоллаштиришга йўналтирилган чет эл сармоясини жалб қилиш билан бирга:

- инновацион фаолиятни ривожлантириш, илғор технологияларни жорий қилиш, экспорт, шунингдек, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш;
- саноат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш ва валюта тушумини кўпайтириш, маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, тўлиқ циклда маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат (экспорт) зоналарини ташкил этиш;
- маҳаллий маҳсулот ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда халқаро сифат, сертификатлаштириш, қадоқлаш талабларини жорий этиш орқали рақобатдошлигини ошириш;
- хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- ва ниҳоят, янги иш жойларини барпо этиш, малакали ишчи-муҳандислар, хўжалик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш каби бир қатор муҳим масалаларни ҳал қилиш имконини беради.

Эркин иқтисодий зоналар мамлакатимизни халқаро меҳнат тақсимоти жараёнларига янада чуқурроқ кириб боришини, яна экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда шу орқали валюта тушумини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зоналар мамлакат ички бозорларини импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда

шу хуудда чет эл сармоеси ёрдамида юкори сифатли махсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконини беради.

Айни чоғда Навоий эркин-индустриал иқтисодий зонасида қиймати 180 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга киришилди. Хорижлик ишбилармонларнинг эътироф этишларича, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари янги-янги имкониятларнинг яратилишига йўл очади, албатта. Айни дамда Навоий эркин-индустриал иқтисодий зонасида Жанубий Корея, Сингапур Ҳиндистон, Хитой, Бирлашган Араб Амирлиги каби қатор хорижий мамлакатлар ишбилармонлари ва йирик ишлаб чиқариш компаниялари билан ҳамкорликда LCD мониторлари, компьютер, хар хил дисплейлар, энергияни тежайдиган ёриткичлар, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, тиббиёт буюмлари ва дори-дармон ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар ташкил этиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Эътиборли томони шундаки, юртимизнинг эркин-индустриал иқтисодий зонасида ўз бизнесини йўлга қўйишга розилик билдирган кўплаб хорижлик инвесторлар ташриф буюриши давом этмоқда.



5-расм. 2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар дастури (иқтисодиёт тармоқлари таркибида, млн АҚШ долл.)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ўқув услубий мажмуа- Т.,2010.

Бу диаграммадан кўриниб турибдики, 2009-2014 йилларда амалга оширили кўзда тутилган лойиҳалар датурида мамлакатимизнинг энг йирик саноат тармоқлари қатори НИИЗга 596 млн. доллар миқдорида сармоя ажратилиш кўзда тутилган. Бу эса эркин иқтисодий зонанинг мамлакат миллий иқтисодиётида тутган аҳамияти нечоғлик муҳим эканлигини англатади.

2.2. Навоий индустриал – иқтисодий зона шаклланиш асослари ва устувор йўналишлари

Навоий вилояти Ўзбекистон Республикасининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, 1982 йилнинг 20 апрелида ташкил топди. Майдони 110,8 минг кв.км.ни ташкил этади. (Республика зонаининг 24,8 % и Навоий вилояти территориясига тўғри келади).

Навоий вилояти шимол ва шимоли-шарқда Қозоғистон Республикаси ва Жиззах вилояти билан, ғарбда Қорақалпоғистон Республикаси билан, жанубда эса Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари билан чегараланиб туради. Вилоятнинг шимоли-ғарбий қисми Қизилқум чўллари билан, шарқий томонлари Нурота тоғ тизмалари билан ўралиб турса, жанубда эса Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Вилоятнинг иқлими кескин континентал бўлиб ёзи қуруқ ва иссиқ, қиши эса нисбатан кам қорли ва совуқ. Вилоят аҳолиси 829 минг кишии ташкил этади (1.01.2009 й).

Аҳолининг 349,5 минги шаҳар аҳолисини ва 480 минг кишиси эса қишлоқ аҳолисидан иборат. Аҳолининг ўртача ёши 25,2 ёшни ташкил этади. Навоий вилоятида иш билан банд бўлган аҳолининг сони 389,2 минг кишини ташкил этади (меҳнат қобилиятига эга бўлган умумий аҳолисининг 80,8 %). Меҳнат қилаётган аҳолининг 68,4 % корхона ва ташкилотларда хизмат қилаётган ишчи ва хизматчиларни ташкил этса, 20,8 % қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда банд. Аҳолининг қолган қисми эса меҳнат

кобилиятига эга бўлган ўқувчи ёшлардан ва кичик бизнес-тадбиркорлик билан шуғулланувчи аҳолидан иборат.

Навоий вилоятида транспорт инфратузилма алоқалари яхши йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирги кунда 8та темир йўл, 9та автомобиль станциялари ва автомобиль йўл алоқалари фаолият кўрсатиб турибди. Темир йўлларнинг умумий узунлиги 390,7 км.ни ташкил этса, автомобиль йўлларнинг узунлиги эса 4,1 минг км.ни ташкил этади. Вилоят зонаи орқали Тошкент-Туркменистон, Тошкент-Учкудук темир йўл алоқалари ўтган.

Вилоят ҳудудида банк ва молиявий соҳанинг 11та тижорат банкларининг филиаллари ва 8та суғурта компаниялари фаолият кўрсатиб турибди. Навоий вилояти давлат бошқарув тизимида саноат ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш билан, шунингдек иқтисодий ривожланиш ва экспорт имкониятлари билан республиканинг бошқа вилоятлари ичида муҳим ўринда туради. Бу албатта минтақанинг илмий-техник, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши билан, шунингдек ишлаб чиқариш ва демографик имкониятлари билан боғлиқдир. Вилоят ҳудуди табиий хомашё ресурсларига жуда бой бўлиб, ушбу ресурсларни иккита катта гуруҳга (ер ости ва ер усти ресурслар) бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ерости ресурслари. Бундай ресурсларга асосан қумли кварц қатламларни (1,5 млрд. тоннадан ортиқ), гранит (1,9 млрд. куб. м.) ва мрамор (420,0 млн. куб. м.) тошларни, фосфоритларни (1,5 млрд. тонна) қимматбаҳо нодир металлларни, уран, цемент, бентонаб тупроқларни, базальт, каолин, оҳактош, доломитлар, волостонитлар, табиий пигментларни ва бошқа кўплаб қурилиш материалларни киритиш мумкин.

Навоий вилояти зонаида жойлашган Мурунгов фойдали қазилма конларидан олинаётган олтиннинг сифати жуда юқори бўлиб, қиймати тўртта тўққизлик (9999) белгисига эга. Корхонада ишлаб чиқарилаётган олтин қуймалар Лондон Арбитраж бозорининг лабораториясида энг қимматбаҳо металл бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, Токио товарлар

биржасида Мурунгов олтин қўймаларига “олтиннинг оптимал қўймаси” деган мақом ҳам берилган.

Ўзбекистон Республикасининг минерал хомашё ресурсларининг асосий захираси Қизилқум минтақасида жойлашган. Марказий Қизилқум зонаида каолиннинг 50дан ортиқ турлари борлиги аниқланган бўлиб, унинг захираси 240,8 минг тоннани ташкил этади. Лангар фойдали қазилма конлари - ёнувчи сланец, доломит, оҳактош, дала шипати каби фойдали қазилма бойликларга бой бўлиб, захираси 9,2 млн. тоннани ташкил этади.

Навоий вилояти зонаида кенг қўламли разведка-қидирув ишлари олиб борилиши натижасида Лавлякан (Конимех тумани) ва Тузқудук (Учқудук тумани) каби йирик туз конлари борлиги аниқланди. Вилоят зонаи қурилиш материалларига (Ўзгон ва Нурота мрамари, Лангар ва Қорасой гранити ва габроси, Азлартол ва Қорасой гранит тошлари, волостонитлар ва бошқаларга) ҳам бойдир.

2. Ишлаб чиқариш салоҳияти. Вилоят қишлоқ хўжалигида муҳим ишлаб чиқариш тармоқларига пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, узумчилик, қорамолчилик ва ипакчилик хўжаликлари киради. Қишлоқ хўжалигида айниқса пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик ва полиз экинларини етиштириш ҳамда узумчиликка катта эътибор берилган. Вилоят хўжалигида гўшт-сут чорвачилиги, паррандачилик ва шунингдек ҳавзаларда балиқчилик хўжалигини ривожлантириш ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Вилоят қишлоқ хўжалигида йилига 110 минг тоннадан ортиқ пахта, 215 минг тонна ғалла ва 270 минг тоннага яқин сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Шунингдек, вилоят қишлоқ хўжалигида 30 минг тонна картошка, 40 минг тоннага яқин узум, 50 минг тонна мева маҳсулотлари, 30 минг тонна полиз маҳсулотлари олинади. Етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг умумий ҳажмини 20-22 % вилоятнинг ўзида қайта ишланади.

Вилоят йилига 500 минг донадан ортиқ қоракўл териларини ишлаб чиқаради. Ушбу кўрсаткич бўйича Навоий вилояти Бухоро вилоятидан сўнг иккинчи ўринда туради. Йирик қорамолларнинг сони 265 минг бошдан ортиқ бўлса, қўйлар - 1,8 млн. бошни, чўчқалар - 17 минг бошни ташкил этади. Бундай кўрсаткичлар албатта терини қайта ишлаш саноат корхоналарини ривожлантириш имконини беради. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ресурслар вилоятда пахта тозалаш ва қайта ишлаш саноат тармоқларни, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноат тармоқларини, ун, гўшт-сут ва ёғ-мой тайёрлаш саноат корхоналарни, вино, консерва ва кондитерлик маҳсулотларни ишлаб чиқариш саноат тармоқларини ривожланишига олиб келмоқда. 2008 йилда Навоий вилоятида ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми 2125,4 млрд. сўмни ташкил этди. 2008 йилда истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 161,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2007 йилга нисбатан 115,7 % ўсишга эришилди. Истеъмол товарлари структурасида 38 % озиқ-овқат, 9,8 % енгил саноат маҳсулотлари ҳисобланади ⁷.

Кўп укладли иқтисодиётни вилоят ҳудудида ташкил қилиш мақсадида нодавлат тармоқда иқтисодий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Саноат маҳсулотлари таркибида нодавлат тармоқнинг улуши 91,3 %ни ташкил этади. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони 14,1 минг кишини ташкил қилиб, вилоят ЯИМнинг 28,7 % ни эгаллайди.

Республикада ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотларнинг 10 % Навоий вилоятининг саноат корхоналари улушига тўғри келади. Вилоят иқтисодиётининг ривожланиб боришига асосан қуйидаги саноат корхоналар - Навоий тоғ-кон металлургия комбината, химия саноати корхоналари (“Навоийазот” ОАЖ, “Электрохимзавод” ОЛҚК), қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналар (“Қизилкум цемент” АЖ, “УПП” АЖ),

⁷ Назарова Г.Ф., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Т.: 2011. 292- 293 бетлар.

машинасозлик ва электрокимё заводлари, гидроэлектростанция (“Навоий ГЭС” ОАЖ), тўқимачилик ва озиқ-овқат саноат корхоналари ва бошқалар муҳим роль ўйнамоқда. Вилоят бўйича ҳозирги кунда жами 800га яқин саноат корхоналар фаолият кўрсатиб, улар йилига 750 млрд. сўм ҳажмидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради.

Навоий вилоятининг саноат корхоналари ҳозирги кунда 50дан ортиқ турдаги саноат маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Жумладан, аммиак селитрасини (республикада ишлаб чиқарилаётган аммиакнинг 70 %), нитрон тўқималарини (100 %), олтингугурт кислотасини (25,4 %), кимёвий воситаларни (4,1 %), оммон сульфатини (1 %), цемент (50 %) ва темир бетон маҳсулотларни (4,2 %), пахта толасини (3,5 %), пойафзал (1 %) ва кийим-кечак маҳсулотларни (0,5 %), заргарлик маҳсулотларни (5 %), биноларни жихозлаш материалларни (6 %), озиқ-овқат маҳсулот турларидан нон-булочка маҳсулотларни (2,4 %), гўшт ва гўшт маҳсулотларни (2,5 %), кондитерлик маҳсулотларни (1,3 %), пиво (2,6 %) ва бошка маҳсулотларни ишлаб чиқаради⁸.

Навоий вилоятининг ташқи савдо айланмаси йилдан-йилга ўсиб, кенгайиб бормоқда. Агар 2006 йилда ташқи савдо айланманинг ўсиши 2005 йилга нисбатан 11,4 % ни ташкил этган бўлса, 2007 йилда 26 % га ўсиб, 886 млн. АҚШ долларни ташкил этиб, узоқ хорижий мамлакатлар билан олиб борилган ташқи савдо айланмаси 570,2 млн. АҚШ долларни ташкил этган. 2008 йилда ташқи савдо айланмаси 924,7 млн. АҚШ доллардан иборат бўлиб, узоқ хориж мамлакатларга 570,2 млн. АҚШ доллар, яқин хориж мамлакатларга 315,8 млн.доллар тўғри келди.

Вилоят хўжалигида ташқи савдо айланманинг ўсиши асосан кимёвий саноат маҳсулотларни, рангли ва қора металлларни, машина ва унинг эҳтиёт

⁸ Холиқулов А.Р. Эркин иктасодий ҳудудлар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: 2002.

қисмларини, цемент ва бошқа қурилиш материалларнинг экспорти ва шунингдек технологияларнинг импортига тўғри келади. Шу билан бир қаторда вилоят ташқи савдо айланмасида экспортнинг улуши ҳам ортиб бормокда. Агар 2005 йилда вилоятнинг ташқи савдосида экспортнинг улуши 53,8 % ни ташкил этган бўлса, 2006 йилда - 56,5 % ни, 2007 йилда эса - 60,7 % ни ташкил этиб, 538,1 млн. АҚШ долларни ташкил этган.

2008 йилда экспорт ҳажми 553,4 млн. АҚШ долларни, импорт 371,2 млн. АҚШ долларни ташкил этди. Экспортнинг товар таркибида олтин ишлаб чиқариш асосий ўринни эгаллаган бўлиб, умумий экспорт ҳажмида 86,3 %ни ташкил этди.


Навоий вилояти 60 дан ортиқ Яқин ва Узоқ хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни олиб боради. Саноати ривожланган узоқ хориж мамлакатлари билан алоқаларни қўллаб-қувватлаш натижасида 2008 йилда вилоят ташқи савдо айланмасининг 64,5 % уларнинг ҳиссасига тўғри келди. Бу мамлакатлар умумий экспорт ҳажмида 59,8 %, импортда эса 40,1 % улушни эгаллади. Бунда вилоят ташқи савдо айланмасининг асосий қисми Европа (66,0 %), Осиё (20,0 %) ва Америка (11,0 %) қитъаси мамлакатларига тўғри келган⁹.

Навоий вилоятида хорижий инвесторларнинг кириб келиши учун барча имкониятлар мавжуд. Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жихозлаш ва реконструкция қилиш, иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишда тўғридан-тўғри йўналтирилган хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий химоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш

⁹ www.navoi.uz.

борасидаги қўшимча чора-тадбирлар туғрисида”ги № ПҚ-3594-сонли қарори муҳим аҳамият касб этмокда. Бу эса ўз навбатида хорижий инвесторлар ёрдамида йирик ишлаб чиқариш корхоналарни қуриш имкониятини беради.

Ҳозирги кунда вилоят хўжалигида хорижий инвесторлар ёрдамида қурилгаи 40дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатиб турибди. АҚШ, Панама, Хитой, Россия ва Украиналик инвесторлар иштироки билан қурилган корхоналарнинг асосий қисми Навоий ва Зарафшон шаҳарларига тўғри келади. Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми озиқ-овқат саноатига (7та), кимё саноатига (6та), транспорт ва алоқа тармоғига (5та), қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатига (6та), машинасозлик (4та) ва енгил саноат (4та) тармоқларга, савдо (3та), рангли металлургия (2та) ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги (1та) саноат тармоқларга тўғри келади. 2008 йилда қўшма корхоналар томонидан умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 111,7 млрд.сўмни (88,7 млн. АҚШ доллар) ташкил этиб, энг кўп маҳсулотлар товар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилди. Шу йили қўшма корхоналар томонидан 55,1 млн. АҚШ доллар ҳажмида маҳсулотлар экспорт қилинди.



6-расм. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси лойиҳасининг чизмаси (www.navoi.uz)

2007 йилда эса хорижий инвесторлар ёрдамида қурилган корхоналарнинг умумий ишлаб чиқарган маҳсулоти 111,7 млрд. сўми, шу жумладан экспорт маҳсулотлар 55,1 млн. АҚШ долларни ташкил этган. Хорижий инвесторлар ёрдамида қурилган корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортининг ўсиши 2006 йилга нисбатан 138,2 % ни ташкил этди.

Навоий вилоятининг инвестицион мавқеини (имиджисини) ижобий томонлари қуйидагилардан иборат. Биринчидан транспорт йўлларини (автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўллари) ривожланганлиги ва замонавий алоқа телекоммуникация воситалари билан таъминланганлиги иккинчидан, энергетика бозорининг мавжудлиги учинчидан, интеллектуал кадрлар салоҳиятига эгаллиги тўртинчидан, қулай ижтимоий-иқтисодий, маданий ва шунингдек туристик муҳитнинг мавжудлиги бешинчидан, ижтимоий-сиёсий барқарорлиги олтинчидан, шаҳар аҳолисининг юқори тўлов имкониятларига эгаллиги еттинчидан, инфратузилмани ривожлантириш ва шунингдек инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватловчи имкониятларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

1-Жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Навоий вилоятининг ялпи ички (ҳудудий) маҳсулоти кўрсаткичлари динамикаси

Йил	Ўзбекистон			Навоий вилояти			
	Млрд.сўм	Ўсиш суръати %	Аҳоли жон бошига, минг сўм	Млрд.сўм	Ўсиш суръати %	Аҳоли жон бошига, минг сўм	Индекс
2000	1908,6	105,9	76,9	191,4	102,2	241,8	3,144
2005	10913,4	107,2	417,1	1550,4	97,8	1910,3	4,580
2006	14521,4	110,8	548,3	2081,0	100,9	2550,6	4,652
2007	18314,7	112,1	681,7	2386,1	101,8	2894,7	4,247
2008	23679,0	112,7	859,6	3002,1	103,0	3599,2	4,187
2009	28009,3	109,0	1025,9	3140,9	101,8	3766,1	3,67
2010	33580,3	108,3	1185,4	3515,6	97,7	4084,2	3,445

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистик йилномаси 2000-2010 йй. Ҳамда Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Навоий вилоятини иқтисодий ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагиларга қаратилган.

Биринчидан, қайта тиклаш, мавжуд корхоналарни техник жиҳозлаш ва кенгайтириш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, комплекс иқтисодий чора-тадбирларни кўриш иккинчидан, вилоятда хомашё ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳисобга олиб, янги корхоналарни қуриш учинчидан, минерал хомашё ва сув ресурсларни ўзлаштиришни янада кенгайтириш ва бошқалар.

Навоий вилоятининг иқтисодий ва экспорт имкониятларини янада ривож топишида тоғ-кон ва кимё саноат корхоналари, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш тармоқлари ва шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш саноати тармоқлари муҳим рол ўйнамокда.

Навоий вилояти хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажми бўйича республикада олдинги ўринлардан бирида туради. 2007 йилда жалб қилинган инвестициялар ҳажми 419,8 млрд. сўмни (ёки 333,2 млн. АҚШ доллари) ташкил этган бўлса, 2008 йилда умумий инвестициялар ҳажми 463 млрд. сўмни (330,2 млн. АҚШ доллар) ташкил этди. Уларнинг 80,3 млн. АҚШ доллари ёки умумий инвестициялар ҳажмининг 20 % хориждан жалб қилинди. Аҳоли жон бошига тўғри келган хорижий инвестициялар 97 долларни ташкил этган. Шунини қайд этиб ўтиш зарурки, Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторлар учун миллий тартиб ва қоидалар ўрнатилган. Бу эса албатта фойда келтирувчи саноат тармоқларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади¹⁰.

Туризм жаҳоннинг кўплаб давлатларининг миллий иқтисодиётини ривожланишида муҳим роль ўйнаб келмокда. Навоий вилояти гарчи Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент, Хива, Қарши ва Термиз каби шаҳарлардан бир неча юз километр узоқликда жойлашган бўлсада, муҳим халқаро туристик марказлардан бири ҳисобланади. Тарихий аҳамиятга эга

¹⁰ Назарова Г.Ғ., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Т.: 2011. 297-бет.

бўлган кўплаб ёдгорликларни (Кармана, Нурота, Сармишсой кадимги ёдгорликлари ва бошқалар) ва дам олиш зоналарининг (Янгиқазгон дам олиш чўл зонаси, Ҳайдаркўл дам олиш зонаси ва ҳоказолар) мавжудлиги кўплаб туристларни ўзига жалб қилиш имконини беради. Шундай қилиб, Навоий вилоятида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланиши ва шунингдек чет эл инвестициялар ҳажмини йилдан-йилга ортиб бориши, ўнлаб янги замонавий саноат корхоналарни ишга туширилиши, саноат ва қишлоқ хўжалигида экспорт салоҳиятини кенгайтириб бориши аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий турмуш тарзини янада яхшиланиб боришига имкон беради.

Ушбу омилларни ва шарт-шароитларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2008 йилнинг 2 декабрида Ўзбекистон Республикасида жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги № ПФ-4059-сомли Фармони қабул қилинди (1-илова). Ўтказилган таҳлиллар ва изланишлар асосида ЭИЗнинг жойлашиш ўрни сифатида Навоий аэропорти яқинидаги зона белгиланди. Навоий шаҳри атрофида эркин саноатлашган иқтисодий зонани ташкил қилишнинг асослари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

► Республикамизда энг йирик саноат корхоналаридан бири бўлган кимё, энергетика, тоғ-кон, цемент корхоналарининг мавжудлиги;

▶ Навоий вилоятдан Эрон ва Туркия портларига, Қора денгиз ва Болтиқ денгизи портларига чиқувчи темир йўл трассаларини, шунингдек Хитойдан Европага борадиган энг қисқа темир йўлни ўтганлиги;

▶ саноат объектларини қурилиши учун бўш ер майдонининг мавжудлиги. Масалан, шаҳар ва аэропорт ўртасида Э-40 трассаси бўйлаб фойдаланиш мумкин бўлган ерлар майдони 1000 гектари ташкил этади;

▶ Ўзбекистон ишлаб чиқарувчиларининг халқаро савдо-иқтисодий муносабатларга чуқур интеграциялашиб бориши нафақат ички бозорда, балки хорижий мамлакатларда (айниқса МДХ давлатларида ҳам) муҳим аҳамият касб этиб, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради;

▶ Навоий ЭИИЗда кейинги 20-30 йиллар ичида экологик соф, замонавий, диверсификацияланган саноат базасини яратиш имкониятини мавжудлиги.

Навоий вилояти ҳудудида алоҳида ЭИИЗни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг йирик минтақавий бозорлари Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари, Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари, шунингдек МДХ мамлакатлари ҳал қилувчи ролни ўйнади. Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро транспорт логистика марказини яратиш учун қулай шароитларнинг мавжудлиги бу ерда янги рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлаш ва уларни Европа ва Осиёдаги истеъмолчиларга тўхтовсиз етказиб бериш шарт-шароитларини келтириб чиқарди.

Навоий шаҳри аэропорти базасида эркин иқтисодий-индустриал зонани ташкил қилиш концепцияси 3 босқичда (инновацион-индустриал, транспорт-логистика ва ижтимоий-рекреацион комплексни ташкил) амалга оширилиб, уларнинг ҳар бирида 500 гектар эркин ер майдонини ўзлаштириш режаси ётади.

ЭИИЗ комплексида мавжуд бўлган хомашё потенциали йирик номенклатурада тайёр маҳсулотларни, айнқса, тўқимачилик, тикув ва чарм-

пойафзал товарларни, озиқ-овқат маҳсулотларни, кимёвий ва нефт-кимёвий маҳсулотларни, фармацевтика, қурилиш, шунингдек электротехника, телекоммуникация ва машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятини беради. ЭИИЗда инновацион технологияларни қўлланилиши ва ишлаб чиқаришни автоматлаштирилиши натижасида экологик жиҳатдан тоза ва тежамкор маҳсулотларни олиш мумкин.

Ишлаб чиқариш комплексининг территорияси Навоий шаҳрига яқин бўлган майдонда (556 га.) жойлашган ЭИИЗ территориясида биринчи босқич даврида 220дан ортиқ саноат корхоналарни жойлаштириш учун 6,5дан 250 гектаргача бўлган 21 та кластер майдони ажратилди. 2009 йилга келиб умумий қиймати 900 млн. доллар бўлган 20-40 та инвестиция лойиҳаларини, 2010 йилда эса умумий қиймати 5,5 млрд. доллардан ортиқ бўлган 120та инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни бошлаш имконини берувчи ташкилий чора-тадбирлар кўрилди¹¹.

Навоий ЭИИЗи махсус иқтисодий зонанинг барча классик функцияларини, яъни янги технологияларни, инвестицияларни жалб қилиш ва бошқаларни бажаради. ЭИИЗ "ўсиш нуқтасининг" локомотивини ташкил этиб, умуммиллий масштабдаги иқтисодий модернизация жараёнларига жиддий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга Навоий ЭИИЗ оддийгина иқтисодий саноат зонаси бўлмасдан, ўзининг йирик транспорт-логистика салоҳияти ва қулай географик жойлашувига кўра жозибадорлиги билан ажралиб туради. Чунки, Навоий ЭИИЗ нафақат саноат-инновация маркази, балки логистика маркази ҳам бўлиб ҳасобланади.

Навоий ЭИИЗни ташкил этилиши Навоий вилоятининг бир тармоқли тараққиётини бартараф этиш имкониятини берди. Ҳозирги кунда бу ерда тоғ-кон металлургия тармоғи яхши ривожланган. Аммо ҳар қандай конлар ҳам

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентга Ислам Каримовнинг "Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. -2011.

одатда тугайди. Стратегик тараққийёт дастури асосида 20-30 йиллардан сўнг вилоятдаги мавжуд тармоқлар атрофида янги соҳаларни яратиш орқали индустриал-инновацион тараққийётнинг салоҳияти ошиб боради.

Навоий ЭИИЗда саноатнинг машинасозлик, станоксозлик тармоқларини ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Минтақада фойдаланилмай ётган катта кремний захираси мавжуд бўлиб, қуёш батареялари учун кремний пластиналарини ишлаб чиқарувчи корхона ташкил қилиш мумкин. Бунинг учун зонага фақат замонавий техник-технологияларни олиб кириш керак. Маҳаллий хомашёга асосланган замонавий тўқимачилик тармоқларни, озиқ-овқат маҳсулотларни, шунингдек, қурилиш материалларини ишлаб чиқариши йўлга қўйиш мумкин.

Навоий ЭИИЗнинг фаолият кўрсатиши 30 йил бўлиб, кейинчалик у чўзилиши ҳам мумкин. Бу давр мобайнида, бу ерда алоҳида божхона, валюта ва солиқ режими, кириш, яшаш ва чиқиб кетиш, шунингдек Ўзбекистон фуқаролари ва норезидентларининг иш фаолиятини амалга оширишга рухсат олишнинг соддалаштирилган тартиби амал қилади.

Ўзбекистонда Навоий ЭИИЗ концессиясини самарали амалга оширилиши учун ҳозирги кунда ЭИИЗ фаолиятининг қонуний ва ташкилий шароитларига мувофиқ кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ЭИИЗ фаолиятининг қонуний асосларини 2009 йилнинг январидан қабул қилинган Навоий ЭИИЗ ҳақидаги низом аниқлаб беради. Низомга мувофиқ ЭИИЗ фаолиятининг оператив ва координацион бошқаруви давлат ташкилотлари вакиллари ва зона дирекциясидан иборат бошқарув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Навоий ЭИИЗнинг бошқарув кенгаши Вазирлар Маҳкамасининг розилиги билан халқаро тан олинган бошқарув компаниялари билан зонанинг бошқаруви бўйича улар билан ўртоқлашиш мақсадида шартномавий қонунчилик бўйича дирекция сифатида танлаши мумкин. Навоий ЭИИЗ ўзининг мустақил бюджетига эга бўлиб, мавжуд қонунчиликка биноан


кўрсатилган хизматлар ва бошқа ишлардан олинган даромадлар, шунингдек ерларни, биноларни, асбоб-ускуналарни ижарага беришдан олинган даромадлар ҳисобига шаклланади. Бюджет ҳисобидан зона фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фойдаланилаётган инфратузилмани ривожлантириш мақсадида ЭИИЗнинг тараққиёт фондини тузиш мумкин.

Навоий ЭИИЗдаги хўжалик субъектларининг асосий хўжалик фаолияти замонавий хорижий юқори технологик рақобатбардош асбоб-ускуналарни, техникаларни, технологик линиялар ва моделларни, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга қўллаш орқали жаҳон товарлар бозорига кенг доирадаги рақобатбардош маҳсулотларни етказиб берувчи юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборат.

Навоий ЭИИЗ территориясида саноатнинг барча тармоқларида хомашёдан то тайёр маҳсулотгача бўлган ишлаб чиқариш жараёнини ўзида тўлиқ акс эттирувчи саноат комплексини яратиш учун барча шарт-шароитлар барпо этилмокда.

Навоий ЭИИЗни яратиш концепцияси ва устувор йўналишлари асосида Навоий ЭИИЗда қуйидаги тармоқ ва йўналишларда корхоналар жойлаштирилмокда:

- электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқариш;
- машинасозлик, асбобсозлик ва ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларини ишлаб чиқарувчи комплекс корхоналар;
- тиббиёт асбоб-ускуналари ва дори маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш;
- пластик ва полимер маҳсулотларни ишлаб чиқариш.



7-расм. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасининг микрогеографик ўрни (www.navoi.uz)

2.3. Навоий ЭИИЗ мультимодал транспорт логистика узели ва унинг иқтисодиёт ривожига аҳамияти

1. Халқаро алоқаларни ривожлантириш. Узок тарихий ўтмишдан маълумки, вилоят зонаи асосий савдо йўли бўлиб, Буюк ипак йўлининг Хитойдан Ўрта ер денгизи ва Европагача, шунингдек, Ҳиндистонни ғарбий ва шимолий мамлакатлар билан боғлаб турувчи савдо йўлида жойлашган. Навоий вилояти орқали халқаро транспорт коридори ўтган. Ушбу халқаро алоқа йўллари Марказий Осиё мамлакатларини Афғонистон билан боғлаб туради. Бундан ташқари, ушбу йўллари Эрон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақаси ва шунингдек Россия ва Болтиқ бўйи давлатларининг портларига чиқиш имконини беради.

Навоий аэропорти замонавий техник-технологик жиҳозланганлиги билан халқаро стандартларга жавоб бериб, барча русумдаги самолётларни қабул қилиш имкониятига эга. Вилоят аэропортида узунлиги 4 минг метр, кенлиги 45 метр бўлган учиш ва қўниш майдонларида реконструкция ишлари амалга оширилиб, ишга туширилди. Бундан ташқари аэродромда иккинчи категорияли ИКАО стандартлари талабларига жавоб берувчи ҳаво кемаларини қабул қилиш имкониятларини берувчи радио-техник ёруғлик сигналлари ўрнатилди.

Навоий ЭИИЗ мультимодал транспорт логистика узелининг имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш мақсадида халқаро аэропортга, Е-40 автомагистралли ва халқаро темир йўлга яқин жойда жойлаштирилган.

Навоий ЭИИЗ жойлашган майдонни танлашда Навоий халқаро аэропортига, Е-40 автомагистраллига ва халқаро аҳамиятга эга темир йўл йўналишларга яқинлиги, электр, сув ва газ билан таъминловчи инфратузилманинг мавжудлиги, ишчи кучи манбаи бўлган аҳоли пунктларининг яқинлиги ҳамда қулай меҳнат шароитини таҳлил этиш ва ЭИЗ резидентларининг турмушлари учун қулай экосистема мавжудлиги каби омиллар инобатга олинган.



8-расм. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона негизида ташкил этилган логистика марказининг авиаалоқалари (www.navoi.uz)

“Ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача” тамойилига асосланган ҳолда оптимал логистика тизимини яратиш мақсадида Е-40 автомагистралидан 2 км.ли 4 қаторли автомобиль ва темир йўл тармоқларини қурилиши ишлари якунланди.

Навоий индустриал-иқтисодий зонасида 40 гектарли контейнер майдончасига эга бўлган темир йўл юк терминали фаолият кўрсатади. ЭИЗ майдонида 26 километрли автомобиль йўллари қурилди. ЭИИЗ майдонига кириш учун юк терминали яқинида автомобиль трассасининг икки томони бўйлаб ҳар бири 5 гектар майдонга эга бўлган автомобиль ва юк машиналарини тўхташ жойлари жойлаштирилган. Ҳисобларга қараганда, агар Жануби-Шарқий Осиёдан Европагача бўлган масофа Навоий шаҳри орқали ўтадиган бўлса, Дубай орқали учишга қараганда 1000 км.га қисқартириш, шунингдек авиақатновлар вақти 1,5 соатга, ёқилғи сарфи эса 15 тоннага камайиши мумкин. Ўзбекистон ҳудудида самолётларнинг қўниб ҳаракатланиши, юкларни транспортда ташишга кетадиган вақт ва харажатларни сезиларли даражада иқтисод қилиши имкониятини яратади. Хитой-Европа йўналиши бўйича автомобилда юк ташиш қатнови Ўзбекистон орқали ўтадиган бўлса масофа Россия орқали юк ташишга қараганда 1000 км.га қисқаради. Бу автомобилда юк ташиш харажатларини 800 долларга қисқаришини билдиради¹². Тошкентдан Бандар-Аббас портигача поезд контейнери 7 суткада, Тошкентдан Техрон орқали Истамбулга 10 кунда бориш мумкин. Бу эса Ўзбекистон орқали юкларни ташиш 2 марта тезроқ амалга ошишини билдиради.

Яна бир ижобий ҳолат - бу «Навоий» ЭИИЗнинг Европани Хитой билан боғлайдиган қисқа халқаро «Е 40» автомагистралига ва Марказий Осиё, МДХ, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ, Форс кўрфази мамлакатлари билан боғлайдиган темир йўлларга яқинлигидир. Навоий аэропорти базасида

¹² Салимова Г. СИЭЗ “Навоий” : Уникальность. Развитие. Беспрецедентность. Биржа, 24.10.09.

халқаро транспорт тўрини яратиш дастури доирасида Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг “Кореан Эйр” компанияси ўртасида узок муддатли шартномани имзолаш даврида ушбу шарт-шароитлар ҳисобга олинган.

Бундан ташқари, Навоий шаҳри аэропортида тўлиқ реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди. Натижада халқаро андозаларга мос келадиган учиш-қўниш йўлаги қуриб битказилиб, замонавий бошқариш тизими бунёд этилди, мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам турли даражадаги, оғирликдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш ва учириш имкониятлари яратилди. Ушбу аэропортдаги қитъалараро интермодал логистика маркази эса Ҳамдўстлик давлатларида ягона бўлиб, бу ерда юкларни тезкорлик билан тушириш, ортиш, таксимлаш, махсус омборларга жойлаштириш мумкин. Осиёдан Европага, Европадан Осиёга жўнатила-диган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган зонаи ҳам айнан ана шу марказдан ўтади.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси Корея Республикасидан лизинг асосида 2 та «А 300 - 600 Ф» русумли юк самолётини харид қилиб, уларни логистика ихтиёрига берди. Пировардида марказнинг салоҳияти юксалиб, унинг учун жаҳондаги барча юк бозорларига йўл очилди. Чунки янги ҳаво кемасининг ҳар бири 40 тоннагача юк билан 7 минг километр масофани тўхтамасдан босиб ўта олади. Кўриниб турибдики, Навоий аэропортида халқаро қатновни амалга оширадиган барча замонавий самолётларга тезкор, юқори сифатли техник ва сервис хизматини кўрсатиш учун кенг имкониятлар мавжуд. 2009 йилда «Кореан Эйр» компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди. Бу Навоий шаҳри

аэропортини глобал логистика тармоғига интеграциялашиш имкониятини яратиб берди¹³.

ЭИИЗнинг бевосита “Е-40” автомобиль магистралига яқинлиги энг қисқа йўл билан Европа ва Хитойга қўшилиш имконини берса, шунингдек бу ердан ўтувчи темир йўллар орқали эса Марказий Осиё, МДХ, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ ва Форс кўрфази давлатларининг бозорларига кириш имконини беради.

Навоий орқали Жанубий Эрон ва Туркиянинг портларига, шунингдек ғарб ва шимол томондан Қора ва Болтиқ денгизлари портларига чиқувчи барча асосий темир йўл трассалари ўтган. Хитойдан Европагача бўлган энг қисқа темир йўл маршрути ҳам Навоий орқали ўтган. "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўлини ишга тушириш орқали Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонга чиқувчи энг қисқа транзит алоқани ўрнатиш мумкин.

Транспорт-логистика комплексини ривожлантириш Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро логистика марказини яратиш режаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Навоий аэропорти базасида ташкил этилган халқаро интермодал логистика маркази Ўзбекистондаги мавжуд транспорт-транзит салоҳиятидан, халқаро транзит имкониятларидан фойдаланиш, халқаро транспорт коммуникацияси тизимида кенг иштирок этиш имконини беради. Жанубий Корянинг йирик “Korean Air” авиакомпанияси 2008 йилнинг августида Навоий шаҳри аэропортида Сеул-Милан-Сеул йўналиши бўйича доимий юк ташиш авиарейсларини бошлаб юборилди.

Навоий ЭИИЗ ҳаво транспортдан ташқари юқори даражадаги ерусти транзит юк ташиш салоҳиятига ҳам эга. МДХ ва Марказий Осиё транспорт коммуникация тизимида, шунингдек халқаро транспорт тизимида интеграциялашиш учун шаҳардан халқаро транспорт коммуникация

¹³ Ваҳобов А.В., Хожибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Т.: 2010. 204 бет.

тармоғи ўтган. “Навоий” аэропорти бевосита Пекин-Париж халқаро “Е-40” автомагистралли ва “Афғонистон-Марказий Осиё-Европа” темир йўли каби халқаро транспорт коридорларига яқин жойлашганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда шаҳарни қуйидаги магистрал темир йўлларга боғлаш учун аэропорт яқинида қурилиш ишлари олиб борилмоқда:

- шимоли-ғарбий йўналишда - Учқудуқ-Нукус-Волгоград (Россия) орқали Европа мамлакатларига чиқиш;

- шарқий йўналишда - Самарқанд-Тошкент-Дўстлик орқали Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига чиқиш;

- жанубий йўналишда - Бухоро-Туркменистон-Бандар-Аббос (Эрон) орқали Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари ва Форс кўрфази мамлакатларига чиқиш. 2007 йилда ишга туширилган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли Навоий шаҳри темир йўл разъездига яқин бўлиб, жанубий йўналиш бўйича Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонга тўғридан-тўғри чиқиш имкоиятини беради.

“Навоий” ЭИИЗнинг энг муҳим жиҳатларидан бири - трансмиллий мультимодал логистика маркази бўлиб, у МДХ зонасида ягона бўлиб, Навоий хаби*¹⁴ орқали Жануби-Шарқий Осиё зонасидан Жанубий ва Шимолий Америкага халқаро авиаюк ташишлар масофасини уч баробар қисқартириш имконини берди, ҳамда Афғонистонга гуманитар юкларни етказишни енгиллаштиради. Бу ерда юкларни қайта ишлаш, уларни дистрибуцияси ва омборга жойлаштириш оператив амалга оширилади. ЭИИЗ Навоийнинг мультимодал транспорт-логистика марказида, халқаро аэропорт, автомагистрал ва халқаро аҳамиятдаги темирйўл яқинида жойлашгандир. “Навоий” ЭИИЗни яратилиши билан биргаликда Навоий-Учқудуқ-Нукус темир йўл магистралининг иккинчи изини яқин беш йил ичида яратиш

¹⁴ Турли транспорт воситалари ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш ва катта ҳажмдаги логистик (омбор) хизматини ўтовчи марказ

режалаштирилмокда¹⁵. Ҳозирги вақтда Навоий аэропортини модернизацияси ва унинг асосида Марказий Осиёда халқаро стандартларга жавоб берадиган Халқаро логистика марказини яратиш бўйича ишлар амалга оширилмокда.

Ўзбекистон миллий авиакомпанияси ва Россиянинг “Московия” авиакомпанияси Навоий – Тошкент - Москва маршрути бўйича мунтазам рейсларни амалга оширишни бошлади.

Навоий аэропорти асосидаги хаб янги технологиялар билан жиҳозланмокда, янги қурилган тўрт километрли учиш-қўниш майдончаси ҳозирги кунда Марказий Осиёда энг катта ҳисобланади. Ўзбекистоннинг ушбу зонада транспорт хабини яратилиши, Самарқанд, Бухоро ва Хивадан яқин жойлашганлигини ҳисобга олган ҳолда туризмни ривожланишига ҳам ўз ҳисасини қўшади.

Навоий аэропорта базасида эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шаҳрида янги барпо этилган аэродромни халқаро оператор — Кореянинг «Кореан Эйр» компанияси бошқарувига бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши туфайли олдимизда катта истиқболлар очилмокда. Халқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилиши ундан нафақат Жануби-Шарқий Осиёни Европа билан боғлайдиган китъалараро транспорт-экспедиция узели сифатида фойдаланиш имконини беради. Айни пайтда у Навоий вилояти ва қўшни зоналарда янги, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратади¹⁶.

2. Саноат ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Бугунги кунда, Навоий индустриал-иқтисодий зонада саноат корхоналари учун 380 гектар ер ажратилган бўлиб, 3 гектардан 20 гектаргача ва ундан ҳам кўп майдонни

¹⁵ Хусанов З.И. “Навоий эркин индустриал иқтисодий зонаси ва унинг ривожланиш истиқболлари”. Иқтисод ва молия журнали. №2-3, 2011.

¹⁶ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: «Ўзбекистон», 2009. 51-52 бет.

эгаллайдиган корхоналар курилмокда. Бу корхоналар республиканинг хомашё салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда юқори кўшилган қийматга эга, маҳаллийлаштириш даражаси 30 % дан кам бўлмаган экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг кенг туркумини ишлаб чиқариши мумкин. Тоғ-металлургия, нефт ва газ, кимё, энергетика, автомобилсозлик, электротехника, енгил ва озиқ-овқат саноати каби саноат тармоқларнинг ривожланганлиги Навоий ЭИИЗда керакли ускуна ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш имкониятини беради. Навоий вилояти бўйича 2008 йилда хорижий инвестицияларини жалб этиш ҳудудий Дастурига 11 та лойиҳа киритилган бўлиб, бу лойиҳалар бўйича йил давомида 24,4 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилиши режалаштирилган эди, амалда 28,3 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилиб, режа 15,6 % га ошириб бажарилди. 2007 йилнинг мос даврида 3,6 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри йўналтирилган хорижий инвестициялар жалб этилган бўлиб, 2008 йилда ўтган йилга нисбатан 2,8 марта кўп, яъни 10,2 млн. АҚШ долларни ташкил этган. Навоий вилояти хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажми бўйича республикада олдинги ўринлардан бирида туради. 2007 йилда жалб қилинган инвестициялар ҳажми 419,8 млрд. сўмни (ёки 333,2 млн. АҚШ долларни) ташкил этган бўлса, 2008 йилда умумий инвестициялар ҳажми 463 млрд.сўмни (330,2 млн. АҚШ доллар) ташкил этди. Уларнинг 80,3 млн. АҚШ доллари ёки умумий инвестициялар ҳажмининг 20 % хориждаи жалб қилинди. Аҳоли жон бошига хорижий инвестициялар 97 доллардан тўғри келди.

2007 йилнинг 17 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган, (2007 й. 17 октябрь) “2007-2009 йилларда инвестицияларни кенгроқ жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва кўшимча иш ўринларини яратиш Дастури” га мувофиқ умумий қиймати 11190,0 минг АҚШ доллари ва 16744,2 млн. сўмлик жами 42та лойиҳа киритилди. Ушбу дастур асосида

2008 йилда 10402,5 минг АҚШ доллари ва 7723,8 млн. сўм миқдоридagi 19 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган эди. Бирок, шу йили 8 та лойиҳа (“Кармана мой инвест” МЧЖ, “Омад бизнес Зарафшон” МЧЖ, “Қизилтепа қурилиш сервис” МЧЖ, “Қурилиш савдо” МЧЖ, “Навои голд пласт” ХК, “Зарафшон овози” МЧЖ, “Навоий карпет” ХК, “Ортомедфармсервис” ИЧТК корхоналари) тўлиқ амалга оширилган бўлиб, бугунги кунда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бундан ташқари “Навбахор текс” ЧЭЖ ва “Қизилқуменгилсаноат” МЧЖ, “Навоийулгуржисавдо” МЧЖ (жамият негизидa “Кармана гипс маҳсулотлари” ҚКси ташкил этилди), “Қизилқум селикати” ҚК каби 4 та лойиҳа тўлиқ молиялаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда лойиҳани ишга тушириш ишлари қизгин олиб борилмоқда. Қолган 7 та лойиҳадан 2 таси қисман молиялаштирилган ҳолда.

Ушбу лойиҳалар доирасида 2008 йил якунига кўра, жами 6283,7 минг АҚШ доллари ва 5041,3 млн. сўмлик инвестициялар киритилиб, 1144,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 321 та янги ишчи ўринлари яратилган.

2010 йилда инвестиция дастури доирасида Ўзбекистонда 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилган бўлса, Навоий ЭИИЗда хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳаси амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорларида харидоргир бўлган замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди. Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийазот” компаниясининг бир қатор янги объектларини барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилди.


Навоий вилояти иқтисодиётига 2011 йилнинг ўтган беш ойида 6,7 млрд. сўмлик хорижий инвестиция жалб қилинган бўлиб, унинг 4,2 млрд. сўми чет эллик ҳамкорлар томонидан йўналтирилган эди. Киритилган бу сармоянинг асосий қисми Навоий ЭИИЗдаги лойиҳаларида кўрсатилган қурилиш ишларини амалга оширишга сарфланди. Ҳозирги кунда Навоий вилоятида чет эллик сармоядорлар билан ишлаётган ишлаб чиқариш корхоналари сони

50 дан ортиқ бўлиб, бу корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларнинг 51-52 фоизи экспортга чиқарилмоқда¹⁷.

2010 йилда халқаро транспорт-логистика марказларини ривожлантиришга доир ишлар ҳам давом эттирилди. Навоий шаҳридаги аэропортда фойдаланишга топширилган “Навоий” халқаро интермодал логистика марказининг юк терминали орқали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп юк ташилди¹⁸.

¹⁷ “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 21 июнь.

¹⁸ И.Каримов. Ҳамма режа ва дастурларнинг ватанимиз таракқулини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади., 2011 й.



9-расм. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасининг транспорт инфратузилмаси
(www.navoi.uz)

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯСИДА НАВОИЙ ИНДУСТРИАЛ – ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИНГ РОЛИ

3.1. Навоий эркин индустриал – иқтисодий зонасида хорижий инвесторлар учун белгиланган имтиёзлар ва унинг ҳуқуқий асослари

Эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият кўрсатишига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири - бу зоналарнинг истикболини белгилаш ва самарадорлигини аниқлаш ва шунингдек назорат қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашдан иборатдир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳуқуқий асосларни тўлалигича ишлаб чиқмасдан туриб, ҳеч бир ЭИЗ етарли даражада самарали фаолият кўрсата олмайди. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш ЭИЗдаги хўжалик субъектлари учун ҳам, чет эл инвесторлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Навоий ЭИИЗда ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва яшаш фаолиятининг хавфсизлик тизимига мувофиқ инжинеринг инфратузилмасини яратиш, сув коммуникацияси ишларини амалга ошириш борасида бир қатор қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. ЭИИЗ аҳолиси, ишчи ва хизматчиларнинг ҳаёти ва дам олиши учун қулай шарт-шароитларини таъминлаш имконини берувчи ижтимоий-рекреацион комплекс яратилмоқда. Ушбу мақсадларда Навоий шаҳрига яқин бўлган Зарафшон дарёсининг киргоқларидан 120 га. ер майдони ажратилди ва бу ерда “Korean Air” авиакомпанияси томонидан ижтимоий объектлар қурилиши олиб борилмоқда. Зарафшон дарёсида бассейн, гольф-клуб ва бошқа спорт комплексларини қуриш ишлари олиб борилмоқда. 2008 йилнинг охирида Навоий аэропортига яқин бўлган жойда 60 ўринли 3 юлдузли меҳмонхона ишга туширилди. Ҳозирги пайтга келиб ушбу меҳмонхона халқаро тан олинган компания бошқарувига берилди.

Навоий ЭИИЗда чет эллик инвесторлар учун қатор имтиёзлар белгиланган. “Навоий” ЭИИЗда рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилади:¹⁹

- ▶ 3 млн. евродан 10 млн. еврогача - 7 йилга;
- ▶ 10 млн. евродан 30 млн. еврогача - 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 % миқдорида белгиланади;
- ▶ 30 млн. евродан ортиқ бўлганда - 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 % миқдорида белгиланади.

ЭИИЗда белгиланган тартибга кўра рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун бир муддатга (ҳозирча 30 йил) экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек хомашё материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хомашё материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 % миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади. Бунда уларни тўлаш муддати 180

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-аграр зона ташкил этиш тўғрисида”ги №ПФ-4059-сонли Фармони. 2 декабрь 2008 йил.

кунгача кечиктирилиши ҳам мумкин. Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хомашё материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

Навоий ЭИИЗда рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар рухсат этилади:

▶ улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ зонаида хорижий валютада амалга ошириш;

▶ Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

▶ экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларидан фойдаланиш ва хоказолар.

Навоий ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигини солиқ тўловчилар аҳволини ёмонлаштирувчи ҳужжатлар татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилган (акциз солиғига тортиладиган товарларнинг солиққа тортилишини тартибга солувчи ҳужжатлар бундан мустасно). Президент Фармонида шунингдек қуйидагилар ҳам белгилаб қўйилган:

- Навоий ЭИИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этиб, бу муддат кейинчалик узайтирилиши ҳам мумкин;

- ЭИИЗ фаолияти давомида унинг зонаида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига норезидент фуқароларнинг кириши, зонада бўлиши ва чиқиб кетиши, шунингдек улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши;

- Навоий ЭИИЗ фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакилларида ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдикланиши;

- Навоий ЭИИЗ дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ территориясида ер участкаларини субижарага топшириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ территориясида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланиши ва бошқалар. Фармонга кўра Навоий ЭИИЗ маъмурий кенгаши зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда танлов асосида, ЭИИЗ дирекцияси сифатида халқаро эътироф этилган бошқарувчи компанияни танлаш ва шартнома асосида ЭИИЗни бошқариш;

- Хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ва қонун - ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда унинг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ерлар, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумларнинг бир қисми ҳисобига шакллантириладиган ЭИИЗнинг мустақил бюджетини шакллантириш;

- Мустақил бюджет доирасида, маблағлари инфратузилмани ривожлантиришга ва ЭИИЗнинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтириладиган ЭИИЗни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқини бериш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, зарурат бўлганда, Инвестиция дастурларини шакллантиришда ЭИИЗни ривожлантиришнинг

тасдиқланган Бош режасига ва тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ ЭИИЗнинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этишга оид маблағларни назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ Навоий ЭИИЗ фаолиятини мувофиқлаштирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати қуйидаги тартибда тасдиқланди.

2-Жадвал

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

N	Ҳужжат номи	Масъул ижрочилар
1.	"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона Маъмурий кенгаши ва дирекцияси тўғрисида низом	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги
2.	"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада жойлаштириш учун инвесторлар танловини ўтказиш тартиби тўғрисида низом	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси
3.	"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонанинг хўжалик фаолияти қатнашчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги
4.	"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий ААА зонасидаги алоҳида божхона режими тўғрисида низом	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги
5.	Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона зонаига кириш, чиқиб кетиш, зонада бўлиш ва меҳнатга ёлланганининг соддалаштирилган тартиби тўғрисида низом	Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги
6.	"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада алоҳида валюта режими фаолияти тартиби	Марказий банк, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги
7.	"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона зонаида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби	Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги

Манба: “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2008 йил, 49-сон, 478-модда.

Навоий индустриал – иқтисодий зонасининг хўжалик фаолиятини ривожлантириш учун вакиллик қилувчи ташкилотларнинг функциялари қарорда кўрсатилган бўлиб, ушбу қарор қонунда кўрсатилган тарзда амалга оширилади. Бундай вакиллик Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Эркин иқтисодий зонадар тўғрисида»ги қонуннинг 21-бандига асосан «...Маъмурий кенгаш...»га берилади. Қонунда шунингдек, шу нарса ҳам кўрсатилганки, агар ЭИЗларнинг маъмурий чегаралари бирор-бир район ёки шаҳар чегараларига тўғри келиб қолса, маъмурий кенгашга раҳбарлик қилиш шу район ёки шаҳар ҳокимига юклатилади.

Ўзбекистон билан Украинада Маъмурий кенгашга берилган вакиллик ҳуқуқлари бир-бирига ўхшаб кетади. Қозоғистонда эса бироз бошқачароқ бўлиб, бу мамлакатда солиқ, божхона ва молия масалалари бўйича имтиёзларни белгилаш маъмурий кенгаш томонидан амалга оширилади. ЭИЗларга бериладиган ҳар қандай имтиёзлар Республиканинг Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган мазкур зонани ташкил этиш тўғрисидаги қароридан кўрсатилган бўлиб, улар Давлат Солиқ ва Божхона Қўмиталари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистонда ЭИЗга ижрочи Директорни тайинлаш маъмурий кенгашнинг қарорига асосан амалга оширилади. Маъмурий кенгаш таркибига эса давлат ва маҳаллий ҳукумат вакиллари, тармоқлараро бошқарув органларнинг вакиллари, инвесторлар, шу жумладан хорижий фуқароларнинг вакиллар ҳам аъзо бўлиб кириши мумкин. Демак, республикада ЭИЗнинг ижрочи директори бўлиб, чет эл фуқароси ҳам тайинланиши мумкин яъни, Ўзбекистон ва Украинада чет эл инвесторларига ҳуқуқлар кенгроқ берилган. Қозоғистонда эса ижрочи директор бўлиб фақат мамлакат фуқароси тайинланиши кўзда тутилган.

ЭИЗларда инвесторлар ва иштирокчилар учун қулай божхона ва бож солиқларининг имтиёзли шакллари, махсус валюта-молия ва банк-кредит, суғурта, инвестициялар учун махсус шарт-шароитлар ҳам яратиб берилган. Шунинг учун ҳам махсус иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш учун қонун ва

қарорларни қабул қилишда мазкур имтиёзларнинг амалий ижросига катта эътибор берилган.

Навоий индустриал – иқтисодий зонасида жойлаштирилаётган корхоналарни лицензиялаштириш ишлари қонунда кўрсатилган тартибда амалга оширилиб, олиб келинадиган капитал қўйилмалар миқдорига ҳеч қандай чегара қўйилмайди. Солиқ таркибида ҳам имтиёзлар берилган. Яъни экспортга чиқариладиган маҳсулотлар учун ва шунингдек ички истеъмол бозорлари учун маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар фойда солиғидан озод этилади. Фақатгина тамаки ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар учун камайтирилган фойда солиқ ставкалари қўлланилиши (номолиявий хизматлар учун фойда солиғи 5 %, молиявий хизматлар учун эса 10 %, миқдорида) кўзда тутилган.

Кўшимча қиймат солиғи бўйича чет элдан олиб келинадиган асосий ишлаб чиқариш воситалари учун ҳар иккала ҳолда ҳам, яъни экспорт ёки ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари озод этилади. Бошқа маҳсулотларни импорт қилган хўжалик субъектлари учун кўшимча қиймат солиғининг камайтирилган ставкалари қўлланилади. Номолиявий хизматлар кўрсатувчи хўжалик субъектлари эса ЭИЗда қиймат солиғидан озод этилади.

Валюта тартибида жорий операциялар бўйича конвертация чегараланмаган миқдорда амалга оширилади. Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича экспорт ва импорт маҳсулотлар ҳажми чегараланмайди. Экспорт ва импорт шартномаларини рўйхатга олишнинг қисқартирилган тартиби жорий этилиб, ҳисоботларни топшириш муддати ҳам қонунда кўрсатилган тартибда амалга оширилиши кўзда тутилган. Шундай қилиб, ташкил этиладиган ушбу ЭИЗларда яратилган имтиёзлар инвесторларнинг таклифлари билан қайта кўриб чиқилиши ҳам мумкин. Бундан ташқари маҳаллий бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда бериладиган имтиёзлар иқтисодий зоналарнинг маъмурияти билан келишилган ҳолда қайта кўриб чиқилиши ҳам мумкин.

Чет эл инвестициялари учун қулай бўлган имтиёзларни ишлаб чиқиш борасидаги чет эл тажрибасини қарайдиган бўлсак, саноати ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик хорижий капитални ва инвестицияни махсус қонунларсиз ҳам етарлича ҳимоялаш имконини беради. Бу ерда хорижий инвестициялар ҳам миллий ички инвестициялар каби умумий қонунлар асосида мувофиқлаштирилади. Бу мамлакатлардаги аниқ ишлаб чиқилган қонуний база чет эл инвесторларининг тўлақонли фаолиятини, яъни янги компанияларни ташкил этишда эркин фаолиятни (рўйхатдан ўтказиш жараёни, мулк ҳуқуқи кафолати), фойда олиш (солиқ сиёсатидаги енгилликлар ва имтиёзлар), низоларни тартибга солиш (меҳнат қонунларидаги шаффофлик, монополияга қарши аниқ тадбирлар) кабиларни кафолатлайди.

Хорижий инвесторларга берилаётган имтиёз ва қулайликлар ҳақида гап кетганда, чет эл инвестицияларни қабул қилувчи энг катта давлатлардан бири Хитой давлатининг тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Хитой ҳукумати инвестициялар оқимини зоналар даражасида, маҳаллий ҳокимиятга катта ваколатларни берган равишда мувофиқлаштириб келмоқда. Марказий органлар умумий инвестиция сиёсати доирасида қайси соҳаларга инвестицияларни йўналтириш зарурлигини аниқлаб беради. Маҳаллий органлар эса айни вақтда инвестицияларни рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқади. Чет эл инвестицияларини жалб этиш учун “солиқ таътили” ва енгилликлар, импорт таърифлар бўйича енгилликлар каби рағбатлантириш усуллари ишлаб чиқилган. Бир қатор ЭИЗларда ташкил этилган корхоналарга нисбатан айнан шундай енгиллик ва имтиёзлар кўпроқ ишлатилади.

Хитой ҳукумати ҳозирги кунда мамлакатнинг ички туманларига кўплаб хорижий инвестицияларни жалб этиш учун узоқ муддатга солиқ тўлашдан озод этиш, фойдасини тўсиқларсиз олиб чиқиб кетиш каби шарт-шароитларни яратмоқда. Маҳаллий ҳокимият иқтисодиётни ривожлантириш учун чет эл капиталини жалб этишни рағбатлантириш дастурларини марказий

ташкilotларнинг руҳсатисиз ҳаётга тадбиқ этишлари ҳам мумкин. Шундай қилиб, Хитой давлатининг инвестициялар бўйича қонунлари ва меъёрий-ҳужжатлари кўп жиҳатдан Япония, Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур каби ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг қонунларига ўхшаш ҳолда ишлаб чиқилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

“Навоий” ЭИИЗ ҳудудида махсус ҳуқуқий режим амал қилади, буларга солиқ, валюта ва божхона режимлари; кириш, туриш ва чиқиб кетишнинг соддалаштирилган тартиби; ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-норезидентларига меҳнат фаолиятини амалга оширишга руҳсат олиш киради, шу билан бирга солиқлар, бож ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича катта имкониятлар берилганлигини хорижий инвесторлар ҳам қайд этишмоқда.

3.2. НИИЗнинг Навоий вилояти ижтимоий ва иқтисодий соҳаларида юзага келтирадиган истиқболли имкониятлари

Навоий вилояти республикадаги йирик индустриал базага эга бўлган аграр вилоятлардан бири ҳисобланиб, ишлаб чиқариш имкониятлари кенг бўлган ҳудуддир. Кейинги йилларда изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида вилоятда саноат соҳасида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар амалга оширилди. Бунинг натижасида саноат тармоқлари бугунги бозор талабларига мослаштирилмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда ҳудудда саноат соҳасини янада ривожлантириш, харидоргир, бозорбоп ва сифатли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида кўпроқ чет эл инвестициялари жалб этиш ва замонвий технологик асбоб-ускуналар олиб келишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида вилоятдаги йирик саноат корхоналари билан биргаликда бозор талабларига мос кичик саноат корхоналари ташкил этилмоқда. Навоий вилояти республика саноатининг ривожланишида салмоқли ўринни эгаллаб келмоқда. Вилоят корхоналари томонидан олтин, цемент, уран, вольфрам, фосфарид, кимёвий ўғитлар,

сунъий тола каби маҳсулотлар ҳамда пахта хом ашёси, бугдой, қоракўл тери, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Вилоят ҳудудидаги ЭИИЗнинг ташкил этилганлигига унча кўп вақт бўлмаган бўлсада, вилоятнинг ишлаб чиқариш салоҳиятида, ҳудудга жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмида, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларида, аҳоли турмуш даражасида улкан ўзгаришлар бўлганлиги кузатилмоқда. Бу ҳолат вилоят маркази Навоий шаҳри ва туманлар даражасида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Бунинг исботи, ЭИИЗда амалга оширилиши режалаштирилган 19 та лойиҳа устида кечаётган ишларнинг жадаллик билан давом этаётганлигида билинади. Ҳозирда 8 та лойиҳа (“Кармана мой инвест” МЧЖ, “Омад бизнес Зарафшон” МЧЖ, “Қизилтепа қурилиш сервис” МЧЖ, “Қурилиш савдо” МЧЖ, “Навои голд пласт” ХК, “Зарафшон овози” МЧЖ, “Навоий карпет” ХК, “Ортомедфармсервис” ИЧТК корхоналари) тўлиқ амалга оширилган бўлиб, бугунги кунда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бундан ташқари “Навбахор текс” ЧЭК ва “Қизилкуменгилсаноат” МЧЖ, “Навоийулгуржисавдо” МЧЖ (жамият негизида “Кармана гипс маҳсулотлари” ҚКси ташкил этилди), “Қизилкум силикати” ҚК каби 4 та лойиҳа тўлиқ молиялаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда лойиҳани ишга тушириш ишлари қизгин олиб борилмоқда. Қолган 7 та лойиҳадан 2 таси қисман молиялаштирилгап холос. Ушбу лойиҳалар доирасида 2008 йил якунига кўра, жами 6283,7 минг АҚШ доллари ва 5041,3 млн. сўмлик инвестициялар киритилиб, 1144,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 321та янги ишчи ўринлари яратилган. Натижада, Навоий шаҳри билан Кармана, Конимех, Қизилтепа ва Навбахор туманларида экспорт ва импортнинг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. НИИЗ таъсирида бўлган ҳудудларда кластерлашнинг барча қонун қоидаларига (энергетика, инфраструктура, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш) амал қилинганлиги оқибатида вилоят ҳудудининг ичида интеграциялашиш жараёни фаоллашди.

Шу билан биргаликда, НИИЗнинг фаолияти активлашиши эвазига вилоятнинг кўшни вилоятлар Қорақалпоғистон Республикаси(энергетика блоклари), Қашқадарё вилояти(Шўртан газ-кимё мажмуаси, Дехқонобод калий заводи), Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги маҳаллий хом ашё эвазига ишлаётган саноат корхоналари билан алоқаси тобора кучайиб бормоқда.НИИЗнинг рисолидагидай кенгайиб боришини таъминлашда, вилоят ҳудудида кечаётган иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши муҳим аҳамият касб этади. 2010 йил январ-декабр ойлари давомида вилоятда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида барча хўжалик фаолияти соҳаларида, жумладан, ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.


Вилоят иқтисодиётида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги таъминланиб, 2010 йилнинг январ-декабр ойларида вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2577,4 млрд.сўм бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,2 фоизни (прогноз 107,7 фоиз) ташкил этилганлигида кузатишимиз мумкин. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми топшириғи 104,5 фоиз ўрнига 107,1 фоизни, қурилиш ишлари ҳажми 117,0 фоиз ўрнига 107,2 фоизни, чакана савдо айланмаси ҳажми 118,0 фоиз ўрнига 121,5 фоизни, жами хизматлар ҳажми 125,4 фоиз ўрнига 120,6 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми топшириғи 105,3 фоиз ўрнига 101,8 фоизни, капитал қуйилмалар ҳажми топшириғи 104,6 фоиз ўрнига 113,8 фоизни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 3038,7 минг сўмдан тўғри келиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,7 фоизга ошган. Бу кўрсаткич Республика бўйича 1726,3 минг сўмдан тўғри келади. Вилоят иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мавқеи тобора ошиб бормоқда. 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯҲМ даги улуши 30,7 фоизни ташкил этди.



10-расм. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги аэропортнинг авиалиниялари
(www.navoi.uz)

Куйидаги диаграммадан кўриниб турибдики, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг асосий қисмини, яъни 46,5 фоизини саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 6,9 фоизини қурилиш, 14 фоизини қишлоқ хўжалиги, 4,3 фоизини савдо ва умумий овқатланиш, 3,5 фоизини солиқлар ташкил этади.



11-расм. Навоий вилояти ЯҲМнинг тармоқлар таркиби (% , 2009)

Манба: Навоий вилоятини 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари

Саноатда Давлат корхоналари улуши 7,4 фоиз, акционерлик жамиятлари улуши 75,9 фоиз, қўшма корхоналар улуши 8,4 фоиз, маъсулияти чекланган жамиятлар улуши 2,4 фоиз, кичик корхоналар улуши 2,0 фоиз, микрофирмалар улуши 1,8 фоиз, яқка тартибдаги фаолият юритувчилар улуши 3,9 фоиз, ёрдамчи хўжалик субъектлари улуши 1,4 фоиз, ёрдамчи хўжалик субъектларидаги кичик бизнеснинг улуши 0,8 фоиз ва қўшма корхоналардаги кичик бизнес улуши 1,0 фоизни ташкил этди.

Шаҳар ва туманлар кесимида кўрсаткичлар куйидагича:

Навоий шахри бўйича: Шаҳардаги асосий йирик корхоналар томонидан 663,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,8 фоизни ташкил этган.

Жумладан, “Навоийазот” ОАЖда ҳисобот якунида 260,6 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш сурати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,8 фоизни ташкил этди.

Акционерлик жамиятида аммиак селитрасини ишлаб чиқариш қувватларининг 100,4 фоизи (2008 йилда 96,7 фоиз), сирка кислотасини ишлаб чиқариш 13,1 фоизи (2008 йилда 23,3 фоиз), нитрон толасини ишлаб чиқариш қувватларининг 51,7 фоизи (ўтган йилда 54,0 фоиз), каустик сода ишлаб чиқариш қувватларининг 68,6 фоизи (ўтган йилда 80,2 фоиз), суюлтирилган хлор ишлаб чиқариш қувватларининг 42,4 фоизи (ўтган йилда 55,3 фоиз), синтетик аммиак ишлаб чиқариш қувватларининг 85,9 фоизи (ўтган йилда 84,5 фоиз) ва цианистий натрий ишлаб чиқариш қувватларининг 110,8 фоизидан (ўтган йилда 87,0 фоиз) фойдаланилди.

Корхонада айрим маҳсулотларнинг қувватлардан фойдаланишини пасайишига сабаб маҳсулотлар харидоргир эмаслиги ва ички бозорда истеъмолчиларнинг камлиги, шунингдек, корхона омборхонасида 78,5 млрд. сўмлик тайёр маҳсулотлар қолдиғи тўпланиб қолганлиғи ҳисобланади..

“Қизилқумцемент” ОАЖда 2009 йил якуни бўйича 300,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш сурати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,6 фоизни ташкил этди.

Жумладан, корхона томонидан ҳисобот даврида 3145,1 минг тонна цемент ишлаб чиқарилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш сурати 103,2 фоизни ташкил этди.

Акционерлик жамиятида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш цемент бўйича 2008 йилга нисбатан 3,1 фоизга ошган бўлиб, 103,2 фоизни ташкил этди.

“Электрокимёзавод” ҚК-АЖда ҳисобот даврида 22,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш сурати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 79,0 фоизни ташкил этди. Жумладан 166,7 тонна ўсимликларни химоя қилиш воситалари ишлаб чиқарилди.

Қушма корхонада маҳсулотнинг асосий истеъмолчилари “Қишлоқхўжаликкимё” бирлашмаси, “Пахтасанаот”, “Донмаҳсулот”, ўсимликларни химоя қилиш маркази ҳамда фермер хўжаликлари ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги буюртмасига ва тендер комиссиясининг хулосасига биноан ишлаб чиқарилади.

“Навоийдонмаҳсулотлари” АЖда жами 27,9 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 100,0 фоизни ташкил этди. Шундан 48,8 минг тонна ун (ўтган йилга нисбатан 83,0 фоиз) ва 35,6 минг тонна омухта ем (106,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Акционерлик жамиятида ун ишлаб чиқариш қувватларининг 37,8 фоизидан (ўтган йилда 45,4 фоиз) ва омухта ем ишлаб чиқариш қувватларининг 66,6 фоизидан (ўтган йилда 62,6 фоиз) фойдаланилди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмасликнинг асосий сабабларидан бири донни қайта ишлаш лимити белгиланганлигидир.

“УПП” ОАЖ” бўйича 2009 йил якунида 7,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш сурати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 124,6 фоизни ташкил этди.

Корхонада темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 32,8 фоиз, бетон қоришмалари бўйича 28,7 фоиз, керамзит бўйича 54,3 фоиз, оҳак ишлаб чиқариш бўйича 100 фоиз, шебен бўйича 19,0 фоиз миқдоридан ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланилган.

Кармана тумани бўйича: Саноат корхоналари томонидан 16,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш сурати ўтган йилнинг

мос даврига нисбатан 118,7 фоизни ташкил этди. Жумладан, ишлаб чиқаришда “Зарафшон пахтасервис” АЖнинг улуши 7,6 фоизни, «Навой Силк» ҚКнинг улуши 1,0 фоизни ташкил этиб қолган қисми кичик бизнес тармоқлари улушига тўғри келади.

Қизилтепа тумани бўйича: Саноат корхоналари томонидан жами 45,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб ўсиш сурати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,0 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқаришнинг 51,8 фоизи тумандаги “Қизилтепапахтатозалаш” ОАЖ, 7,4 фоизи “Қизилтепа ун заводи” АЖ, 8,4 фоизни “Вангози Агро Эспорт” МЧЖ, 0,9 фоизни “Малабар Силк” ҚК ҳиссасига тўғри келади.

Навбахор тумани бўйича: Саноат корхоналари томонидан 26,5 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112,0 фоизни ташкил этди. Жумладан, «Навбахорпахтатозалаш» МЧЖнинг улуши 82,3 фоизни ташкил этди.

Учқудуқ тумани бўйича: Саноат корхоналари томонидан 5,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш сурати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,9 фоизни ташкил этди. Жумладан, «Промэлектро» ҚКнинг улуши 60,3 фоизни ташкил этди.

Хатирчи тумани бўйича: Саноат корхоналари томонидан 26,9 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш сурати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,0 фоизни ташкил этди. Жумладан, «Хатирчипахтатозалаш» ОТАЖнинг улуши 74,5 фоизни ташкил этиб, қолган қисми кичик бизнес тармоқлари улушига тўғри келади.

Қолган туманларда ишлаб чиқаришнинг асосий улуши кичик бизнес тармоқлари ҳиссасидан иборат.

Жумладан, сульфат аммоний -18,7 минг тонна (110,0 фоиз), синтетик аммиак -472,2 минг тонна (101,6 фоиз), аммиак селитраси -953,5 минг тонна (103,8 фоиз), олтингугурт кислотаси -331,0 минг тонна (107,4 фоиз) ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари (ХСЗР 100%) –166 тонна

(74,4 фоиз), цемент -3145,1 минг тонна (103,2 фоиз), темир бетон маҳсулотлари -32,9 минг м.куб (93,5 фоиз), оҳак -150 минг тонна (31,8 фоиз), шағал тош -549,8 минг м.куб (3,3 мар.), гилам маҳсулотлари 20,7 минг кв.м. (2,9 мар.), трикотаж 61,0 минг дона (110,9 фоиз), пайпоқ 45,0 минг жуфт (3,8 мар.), ун -55,3 минг тонна (82,6 фоиз), омукта ем -41,1 минг тонна (104,2 фоиз), сут маҳсулотлари -2697,0 тонна (119,0 фоиз), алкоғолсиз ичимликлар 60 минг дал. (3,5 мар.), ўсимлик ёғи -4687,0 тонна (119,7 фоиз), мол ёғи 62 тонна (1,6 мар.), гўшт 275 тонна (103,4 фоиз), шрот -13,8 минг тонна (141,2 фоиз) каби маҳсулотлардир²⁰.

2009 йил давомида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 173,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,0 фоизни ташкил қилади.

Жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 66,4 млрд. сўмни ёки 108,2 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 106,1 млрд. сўмни ёки 106,7 фоизни ташкил этди.

2009-2010 йилларда жами 19103,6 млн.сўм хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Шундан: давлат кағолати остида ва кредитлар 17769.3 млн.сўмни ташкил этади.

Жумладан, Тоғ кон металлургия комбинатиға 117,6 млн сўм, халқ таълими лойиҳалари учун 2531,0 млн сўм, соғлиқни сақлаш тизими лойиҳалари учун 2177,6 млн сўм, “Навоийазот” ОАЖ корхонаси янги ускуна ва жиҳозлар сотиб олиш учун 1450,4 млн.сўм, АГРП қишлоқ хўжалик корхоналарига ускуна ва жиҳозлар сотиб олиш учун 37,6 млн.сўм ҳамда Осиё тараққиёт банк кредитлари маблағлари ҳисобидан тоза ичимлик суви тармоқларини қуриш учун 11455,1 млн сўм маблағлар ўзлаштирилди.

²⁰ Навоий вилоятини 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари

Бундан ташқари 1334.3 млн.сўмлик тўғридан-тўғри чет эл инвестиция маблағлари ўзлаштирилди.

Жумладан, “Юнител” ОАЖ филиали корхонаси учун 547,3 млн.сўм, маблағлар ўзлаштирган бўлиб, ушбу маблағларга янги ускуна ва жиҳозлар сотиб олинган, кичик ва қушма корхоналарга жиҳоз ва ускуналар сотиб олиш учун 758,1 млн.сўм ва Зарафшон шаҳридаги “АМАНТАЙТАУ-ГОЛДФИЛДС” қўшма корхонасида қурилиш ишлари ҳамда жиҳозлар сотиб олиш учун 28,9 млн.сўм маблағлар ўзлаштирилди.

2009 йил якуни билан вилоятда барча манбаалар ҳисобидан 319,7 км ичимлик сув тармоқлари қуриб фойдаланишга топширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги “Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 405-сон қарорига асосан 70,8 км, Осиё тараққиёт ва тикланиш жамғармаси (АБР) маблағлари ҳисобидан 151,4 км, қишлоқ тараққиёти жамғармаси ҳисобидан 41,9 км ҳамда вилоят “Сувоқова” ҳудудий бошқармаси ҳисобидан 55,6 км сув тармоқлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

3-Жадвал

2009 йилда Навоий вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

Корхоналар	Млн. сўм	Ўсиш %	Жамига нисб., улуши,%
<i>Республика тасарруфидаги корхоналар</i>	3027593.7		96,4
НКМК	2301850.8	103,1	73,3
Амантайтау-Гольдфилдс ҚК	40043.3	40,3	1,3
Ўзкимёсаноат ДАК	283356.7	100,5	9,0
Навоийазот ОАЖ	260600.4	102,9	8,3
Электрокимёзаводи ЁАЖ-ҚК	22756.3	79,0	0,7
Ўзқурилишматериаллари компанияси	300785.4	104,6	9,6
Қизилқумцемент ОАЖ	300185.4	104,6	9,6
Ўзпахтасаноат уюшмаси	65217.7	101,0	2,1
Қизилтепапахтатозалаш ОТАЖ	23415.5	102,0	0,7

Навбахор пахта тозалаш МЧЖ	21773.9	101,0	0,7
Хатирчипахтатозалаш ОТАЖ	20028.3	100,2	0,6
Ўздонмахсулот компанияси	31309.8	101,0	1,0
Навоийдонмахсулотлари АЖ	27987.3	100,0	0,9
Қизилтепа ун заводи АЖ	3322.5	106,0	0,1
Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси	5030.4	135,5	0,2
Ванғози Агро-экспорт МЧЖ	3772.2	114,4	0,1
Континент-Н ёғ-мой ҚК	1257.8		0,0
<i>Худудий тасарруфдаги корхоналар</i>	<i>113275.2</i>	<i>113,0</i>	<i>3,6</i>
УПП ОАЖ	7158.0	124,6	0,2
Бахт-Текстил ҚК	9542.2	133,9	0,3
Малабар силк ҚК	404.4	113,6	0,0
Promelektro ҚК	3150.3	111,1	0,1
Зарафшонпахтасервис МЧЖ	1241.8	103,0	0,0
ДП Навостальконструкция	1000.9		0,0
Навоий силк ҚК	162.2	57,5	0,0
Давлат корхоналари	26.0	102,9	0,0
Кичик корхоналар	18628.7	110,1	0,6
Микрофирмалар	16106.4	111,2	0,5
Якка тартибда мех. фаол.	35457.4	118,5	1,1
Ёрдамчи хўжаликлар саноати	20396.9	106,6	0,6
<i>Жами вилоят бўйича</i>	<i>3140868.9</i>	<i>1018</i>	<i>100,0</i>

Манба: Навоий вилояти статистика бошқармаси малумотлари асосида тузилган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, НИИЗнинг фаолияти кучайиши ҳисобига вилоят ижтимоий ва иқтисодий соҳаларида истиқболли имкониятлар юзага келмоқда.

НИИЗ – бу Ўзбекистонни савдо ва ишлаб чиқариш кооперациясини кучайтиришга янги йўналишлар, янги партнёрлар, янги имкониятлар туғдириши мумкин. Агар, бу услуб яхши натижалар берса, унда бошқа регионлардаги иқтисодий имкониятларни ҳам ишлатишга имкон туғилади. Жумладан, Ангренда яқинда ташкил этилган махсус эркин зонани кенгайтиришни таъминлаш билан бирга, Хозараспдаги эркин савдо зонасини, Жиззахдаги индустриал савдо зонасини, Давлатобод туманидаги саноат паркани ва Самарқанд шаҳридаги МОХТЗнинг иш фаолиятини бошлашига замин тайёрлаган бўлар эди.

Юқорида санаб ўтилган ЭИЗ лойиҳаларининг амалиётга тадбиқ этилиши ўз навбатида малакатимиз иқтисодиётини юксалтириш билан бирга, Хитой, Корея, Сингапур, БАА, Ҳиндистон ва Италия каби НИИЗда фаолият юритаётган давлатлар билан биргаликда, бошқа ривожланган мамлакатларнинг ҳам кучли қизиқишига сабабчи бўлади.

Ҳозирги кунда Жанубий Корея бизнеси Ўзбекистондаги биринчи ЭИЗни яратилишига инвестицияларни сарфлашга астойдил қизиқмоқда. Фақатгина 2009 йилнинг июнь ва июль ойининг ўзида ЭИЗга 100 дан ортиқ кореалик тадбиркорлар ва Корея Республикасининг Кичик бизнес ва ўрта бизнес федерацияси президенти Ким Ги Мун бошчилигидаги бизнесменлар келиб кетишди. Бундан ташқари, “TST Sistemi” (Италия), Tian Jin Ring-Top Petroleum Manefakture” (Хитой) каби компанияларнинг ташриф буюриши тобора ошмоқда. Бу маълумотлардан НИИЗнинг жаҳон иқтисодий интеграциясидаги ўрни ва келажакдаги истиқболлари ёруғ эканлигини англашимиз мумкин.

Умуман олиб қараганимизда, жаҳон иқтисодиётида ташкил этилган ЭИЗлар фаолиятини ўрганиб ва юқоридаги маълумотларни таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкин. Биринчидан, ташкил этиладиган ЭИЗлар ягона дастур асосида лойиҳалаштирилиб, бу дастурни ишлаб чиқишда Давлат қўмиталари ва муассасалари фаол иштирок этишлари жуда муҳим ҳисобланади. Иккинчидан, мазкур дастур асосида ташкил этиладиган ЭИЗлар фаолияти учун йўналтирилган лойиҳалар қатъий матрица асосида амалга оширилиши талаб этилади.

Хулоса

Бугунги кунда Ўзбекистонда қуйидаги ЭИЗларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади:

- Жаҳон бозорига чиқиш имкониятига эга бўлган корхоналар асосида илмий ва технологик зоналарни ташкил этиш. Тошкентда бундай зоналар “Фотон”, “Ўзэлектроаппарат” каби ишлаб чиқариш ассоциациялари ёрдамида ташкил этилиши мумкин.

- Хоразм, Тошкент, Андижон, Самарқанд вилоятларида агросаноат зоналарини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Агросаноат зоналарини ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалигида бой ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланиш мумкин.

- Жиззах вилоятининг Зомин туманида туристик ҳуддини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

- Тошкент ва Сирдарё вилоятларида эркин божхона зоналарини яратиш орқали сақлаш, навлаш, кадоқлаш каби хизматлар эвазига катта фойда олиш мумкин.

- Республиканинг саноат корхоналари жойлашган зоналарда технопарклар ва инкубаторлар яратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида юқорида қайд этилган лойиҳалардан ташқари, корхона ва маҳалла тамойиллари асосида иқтисодий кооперация зоналарини ҳам ташкил этилган бўлиб, улар асосан маҳаллий енгил саноат соҳаларида иш юритмоқда ²¹. Ўзбекистонда “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун қабул қилинганидан кейин, ЭИЗларнинг турли шакллари ташкил этиш бўйича кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилди. Жумладан, хорижий инвесторлар учун манфаатли лойиҳалардан бири “Саноат зоналари”дир. Тошкент шаҳар ҳокимияти ва Япониянинг “Сумитомо” корпарациялари ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳага кўра,

²¹ Назарова Г.Ғ., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Т.: 2011, 17-18 бетлар.

Тошкентдан 10 км. Жанубда жойлашган Бектемир районида майдони 102 га. дан иборат универсал комплекс, 40 га. лик порт ва 62 га. лик эркин ишлов бериш маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Масалан, Жиззах вилоятида етиштирилаётган пахтани қайта ишлаш асосида тўқимачилик саноатини ривожлантириб, Европа ва Осиёда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкин. Тошкент, Самарқанд, Ургенч, Зарафшон, Чирчиқ ва Асака шаҳарларида технология полислари ёки паркларни, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида эса туризмни ривожлантириб, туристик комплексларни барпо этиш мақсадга мувофиқ²².

Юқорида келтириб ўтилган фикрлар албатта АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Хитой ва бошқа мамлакатлар тажрибасини илмий ўрганиш асосида айтилган. Шу маънода юқорида қайд этилган фикрни давом эттирувчи иккинчи бир тадқиқотчи шундай деган эди: “...Ўзбекистон Республикасида миллий хусусиятлар асосида “технополислар” ташкил этиш лозимдир. Бундай ЭИЗларнинг ташкил этилиши иқтисодий реформаларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминловчи омиллардан биридир...”²³. Келтирилган мулоҳазаларнинг асоси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган кўшни Қирғизистоннинг “Бишкек” ва Қозоғистоннинг “Лисаков” ЭИЗларини кўрсатиш мумкин. Бироқ ЭИЗларни ташкил этишда шошма-шошарликка йўл қўймасдан, балки мустаҳкам пойдевор устига қуриш мақсадга мувофиқ эканлигини Республикамиз Президенти И.А. Каримов ўз асарларида, оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан бўлиб ўтган учрашувларда ҳам таъкидлаб ўтган.

Мустақиллик туфайли гуллаб-яшнаётган Ўзбекистонимизда дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини боғлаётган хорижий шерикларимиз сафи янада ортаётгани бизнинг ютуғимиз, албатта. Халқаро автомобиль, темир ва ҳаво

²² Раҳимова А.Ф. Эркин иқтисодий зоналар – келажак учун муҳим қадам. “Хусусий мулк” газетаси 1995 йил № (109) сони.

²³ Эркаев Б. Миллий хусусиятли технополис. “Правда Востока” газетаси 5 май 1996 йил.

йўлларининг энг муҳим ҳамда қулай чорраҳасида жойлашган Навоий шаҳри аэропорти Жануби-Шаркий Осиё мамлакатларини Марказий Осиё, Якин Шарк ҳамда Европа қитъаси мамлакатлари билан боғлайди. Бундан ташқари, “Навоий” аэропортидан Сингапур, Дехли, Бангкок, Франкфурт, Милан каби ўнлаб йирик шаҳарларга ҳаво кемалари қатновининг йўлга қўйилгани иқтисодимиз учун катта имкониятларнинг очилганидан далолатдир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси зонаи дунё океанлари ва денгизларидан анча олисда жойлашган давлатлар сирасига киради. Бу муаммо Жанубий корейлик ҳамкорлар билан Навоий аэропортида логистика марказининг ишга туширилиши билан ҳал этилди. Қадимий Кармана(Ҳозирги Навоий шаҳри) “Буюк Ипак йули”нинг кесишган нуқтасида дунёга келган. Бу манзилга ташриф буюра туриб, мазкур тарихий ҳақиқат қайта тикланганига гувоҳ, бўлиб турибмиз: ҳа, Навоий эркин индустриал иқтисодий зонаси яқинида бугунги кунда халқаро E-40 автомагистралининг мавжудлиги ҳамда халқаро ҳаво қаридорининг жойлашгани ҳам ҳар томонлама қулайлик туғдирмоқда. Ушбу қулайлик туфайли ҳозирги кунда 564 гектар ер девор билан ўралиб, коммуникация тармоқлари билан тўлиқ таъминланди. Айни дамда зонада божхона пости, темир йўл орқали қатнайдиغان транспортларда юк ташувчи ва жўнатувчи махсус майдонлар қуриб битказилди. Айниқса, ўз таркибида Корея тараққиёт банки ва Ўзбекистон Миллий банки филиалларини ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг бўлимини қамраб олган Молия маркази, зона бошқарув дирекцияси биноси ва халқаро логистика маркази (божхона терминали) қурилиб, фойдаланишга топширилиш арафасида турганлиги НИИЗда ишлар фаол олиб борилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар ва инвестицион муҳит шакллантирилган бўлиб, шубҳасиз, бу соҳанинг ривожланишимамлакатимизнинг иқтисодий раванқига ўз хиссасини қўшади ва унинг иқтисодий салоҳиятини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони.

2. «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 мартдаги ПҚ 26-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» Фармони 04.12.2008 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.02.2009 й. 37-сонли «2009-2010 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида» қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кризисга қарши дастурга киритилиши кўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1073-сон қарори. 17.03.2009 й.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июнь "Ўзбекистон Республикасининг Буюк ипак йўлини қайта тиклашдаги иштирокини фаоллаштириш ва Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмни ривожлантириш бўйича чоралар тўғрисида"ги Фармони

7. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни. 2000 й.

8. Ўзбекистон Республикасининг "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.

9. Ўзбекистон Республикасининг "Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолатлари ва чоралари тўғрисидаги Қонуни. 1998 й.

10. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги

Қонуни. 1998 й.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни. 1996 й.

12. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т: Ўзбекистон, 2010.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

13. Каримов И.А. "Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади". "Халқ сўзи" газетаси, 2011 йил 22 январь.

14. Каримов И.А. "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.:Ўзбекистон, 2009.

15. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. "Халқ сўзи" газетаси, 2010 йил 30 январь.

16. . Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. "Халқ сўзи" газетаси, 2010 йил 13 ноябрь.

17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш тараққиётимизнинг муҳим омилidir. "Халқ сўзи" газетаси, 2010 йил 8 декабрь.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БМТ Саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. "Халқ сўзи" газетаси, 2010 йил 21 сентябрь

III. Асосий адабиётлар

19. Авдокушин Е.Ф.Международные экономические отношения. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.

20. Ваҳобов А.В., Хожибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Т.: 2010

21. Друзник Я.С. Свободные экономические зоны. М., 2008.

22. Жумаев Н.Х., Абдурахмонов О.Қ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари. Т.: Академнашр, 2010.
23. Зименков Р.И. Свободные экономические зоны. М.: Юнити-дана, 2005.
24. Ломакин. В.К. Мировая экономика. Учебник. М.: Юнити-дана, 2008.
25. Махмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Уқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2010.
26. Мировая экономика. Учебник /под. ред. Б.М. Смитиенко. М.: Высшее образование. 2009.
27. Муминов НХ. Свободные экономические зоны. Т.: НУУз, 2005.
- 28.** Назарова Г.Ғ., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Эркин иқтисодий зоналар. Т.: 2011.
29. Назарова Г.Ғ., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. - Т.: ТДИУ, 2005.
30. Назарова Г.Ғ., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Илм-зиё, 2005; ТДИУ, 2007.
31. Назарова Г.Ғ., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, 2005.
32. Назарова Г.Ғ., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Халқаро иқтисодий интеграция. Ўқув қўлланма. Тафаккур, 2010.
33. Негматов С.Қ. Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг Республика илмий-амалий конференцияси. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарнинг шаклланиши. Т., 2011. 313-314б.
34. Негматов С.Қ. Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг Республика илмий-амалий конференцияси. Эркин иқтисодий зоналарнинг (ЭИЗ) моҳияти ва уларнинг миллий иқтисодиётда тутган аҳамияти. Т., 2012. 102-103б.
35. Фаминский И.П. Глобализация — новое качество мировой экономики. Учебное пособие. М.: Магистр, 2009.
36. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси

Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш -устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтаришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма - Т.: Иқтисодиёт,2010,

37. Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси. Т.: 2002.

38. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. -2011.

IV. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

39. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами". 2008-2010 йиллар.

40. Андрианов В.Д. Специальные экономические зоны. «ЭКО» журналы, 1997.

41. Всемирный банк. Доклад о мировом развитии.

42. Мозиас П., Яковлева В. Внешнеторговая политика Китая после присоединения к ВТО. Журнал "МЭ и МО" 2009, №12.

43. Потанин В. Инвестиционный климат в Китае. Журнал

44. Рахимова А.Ғ. Эркин иқтисодий зоиналар — келажак учун муҳим қадам. "Хусусий мулк" газетаси 1995 йил №25 (109) сони.

45. Султанова Л. "Экономические реформы в Китае". Журнал Рынок, деньги и кредит. -Т. 2003.

46. Христов А.Г. Свободные экономические зоны мира. Журнал «Бизнес». 2003, №4.

47. Ҳусанов З.И. "Навой эркин индустриал иқтисодий зонаси ва унинг ривожланиш истиқболлари". Иқтисод ва молия журналы. №2-3, 2011

48. Цель создания Свободной индустриально-экономической зоны "Навои". Газета "Деловой партнер Узбекистана". 2009. №14.

49. Шукуров Д. XXI асрда “Ипак йули”. “Хусусий мулк” газетаси 1995 йил №54 сони.

50. Эркаев Б. Миллий хусусиятли технополис. “Правда востока” газетаси 5 май 1996 й.

51. Интернет маълумотлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг № ПФ-4059 сонли “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги

ФАРМОНИ

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакилларида ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

1. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилган барча худуд ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилади;

2. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ худудида ер участкаларини субижарага топшириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ худудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланади.

3. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин:

3 миллион евродан 10 миллион еврогача - 7 йилга;

10 миллион евродан 30 миллион еврогача - 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;

30 миллион евродан ортиқ бўлганда - 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

4. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкин.

Қайд этилган имтиёزلардан фойдаланган ҳолда ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

5. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар рухсат этилсин:

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб

этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона (кейинги ўринларда - ЭИИЗ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши - замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг қўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

ЭИИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади;

алоҳида ҳуқуқий тартиб, шу жумладан, солиқ, валюта ва божхона тартиби фақат ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилади;

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари

вакилларида ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилган барча ҳудуд ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилади;

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини субижарага топшириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланади.

3. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин:

3 миллион евродан 10 миллион еврогача - 7 йилга;

10 миллион евродан 30 миллион еврогача - 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;

30 миллион евродан ортиқ бўлганда - 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

4. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга

олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкин.

Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

5. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар рухсат этилсин:

улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ ҳудудида хорижий валютада амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларида фойдаланиш.

6. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигининг солиқ тўловчилар аҳволини ёмонлаштирувчи ҳужжатлари татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилсин, акциз солиғига тортиладиган товарларнинг солиққа тортилишини тартибга солувчи ҳужжатлар бундан мустасно.

7. Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси "Ергеодезкадастр" давлат кўмитаси, Давлат архитектура-қурилиш кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига ЭИИЗни жойлаштириш учун зарур бўлган ер майдони бўйича, унинг чегаралари аниқ кўрсатилган ҳолда, таклифлар киритсин;

бир ой муддатда, танланган ер участкаси маъқуллангандан кейин, уни эркин индустриал-иқтисодий зона яратиш мақсадида белгиланган тартибда ажратсин, уни зарур кадастр материаллари билан расмийлаштирсин ҳамда ЭИИЗ Маъмурий кенгашига у фаолият кўрсатадиган муддатга фойдаланиш ва бошқариш учун берсин;

2009 йил 1 мартгача бўлган муддатда мазкур зона ҳудудини барпо этишнинг, шу жумладан, зарур муҳандислик коммуникациялари ва сервис хизматларини ташкил этишнинг дастлабки режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

2010 йил 1 январгача бўлган муддатда эркин индустриал-иқтисодий зонанинг Бош режасини ва зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона тўғрисидаги низомни тасдиқласин ва унинг фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин;

2009 йил 1 январгача бўлган муддатда Навоий вилоятидаги эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тезкор бошқариш ва давлат томонидан тартибга солиш вазифаларини амалга ошириш учун ЭИИЗнинг Маъмурий кенгашини ташкил этсин;

уч ой муддатда иловага мувофиқ рўйхат бўйича "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

9. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона Маъмурий кенгашига:

Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда танлов асосида, ЭИИЗ дирекцияси сифатида халқаро эътироф этилган бошқарувчи компанияни танлаш ва унга шартнома асосида ЭИИЗни бошқариш;

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда унинг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ерлар, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумларнинг бир қисми ҳисобига шакллантириладиган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг мустақил бюджетини шакллантириш;

мустақил бюджет доирасида, маблағлари инфратузилмани ривожлантиришга ва эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтириладиган Эркин индустриал-иқтисодий зонани ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, зарурат бўлганда, Инвестиция дастурларини шакллантиришда ЭИИЗни ривожлантиришнинг тасдиқланган Бош режасига ва тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этишга маблағларни назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган

ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

04.12.2008
Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.А.Каримов

2-илова

“Навоий” халқаро аэропорти ва “Навоий” эркин индустриал- иқтисодий зонасини ривожлантириш.

Мамлакатимизда янгитдан шаклланаётган йирик халқаро логистика марказларидан бири Навоий аэропорти худудидаги интермодаль логистика марказидир.

Ушбу аэропортнинг афзалликлари шундан иборатки, унинг Европа ва Осиёни туташтирадиган ҳаво йўлларининг чорраҳасида ўтган қулай минтақада жойлашганлиги (аэропортдан 2 000 километр узоқликдаги ён-атрофда 150 миллион аҳолига эга бўлган 40 та шаҳар мавжуд), унга жуда яқин масофадан халқаро автомобиль ва темир йўллари тармоқларининг ўтиши қўшни давлатлар, шунингдек, Россия, Европа ва Хитой билан зарур алоқаларни таъминлайди. Буларнинг барчаси Навоий аэропорти минтақавий ва китъалараро табиий логистика маркази сифатида ноёб мавқега эга эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда Навоий аэропорти орқали Франкфурт, Сеул, Брюссель, Милан, Дубай, Бангкок, Дехли, Дакка ва Мумбай каби дунёнинг йирик шаҳарларига парвозлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2008 йилнинг декабрь ойида кенг миқёсдаги минтақавий тараққиёт дастурининг мантиқи давоми сифатида “ Навоий” аэропортининг бевосита яқинида – Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидан 100-175 километр узоқликда

564 гектар майдонни эгаллаган “Навоий” эркин индустриал- иқтисодий зонаси (ЭИИЗ) ташкил этилди.

Юксак самарали, замонавий хориж асбоб-ускуналари ва техникаси, технологик тармоқлар ва модуллар, инвестицион технологияларни жорий этиш ҳисобидан юқори технологияларга асослаган, жаҳон бозорларида рақобатдош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқариш “Навоий” ЭИИЗ ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгиланди.

Бу ҳудуддаги ишлаб чиқариш фаолиятининг истиқболи йўналишлари - кимё ва нефтгазкимё, замонавий қурилиш материаллари саноати, электротехника саноати, машинасозлик, озиқ-овқат саноати, дори-дармон ва тиббиёт маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳалари ҳисобланади.

Мазкур ҳудуддаги ер участкалари хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг инвестиция фаолияти даврида кам ижара ҳақи эвазига ижарага берилади. Бундай янгилик туфайли инвестор томонидан ишлаб чиқариш фаолияти учун ер майдонларини сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида қўшимча маблағ сарфлашга ҳожат қолмайди.

“Навоий” ЭИИЗнинг эътиборга молик хусусияти шундаки, унинг ҳудудида ўзига хос ҳуқуқий тартиби амал қилади. Бу тартиби, жумладан, қуйидагиларни назарда тутди:

- ушбу ҳудудларда рўйхатдан ўтказилган корхоналарни, уларни киритадиган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, барча турдаги солиқлардан 15 йилгача озод қилишни кўзда тутадиган алоҳида солиқ тартиби;

- индустриал-иқтисодий зонанинг бутун фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқиш мақсадида олиб кириладиган ускуналар, хомашё материаллар учун тўланадиган божхона тўловларидан озод қилишни кўзда тутадиган алоҳида божхона тартиби;

- мазкур зона ҳудудида ҳисоб-китоблар ва тўловларни ўзаро тузилган шартнома ва контрактларга мувофиқ чет эл валютасида, шунингдек, экспорт ва импортга қилинаётган товарлар учун ҳар икки томонга қулай бўлган тўлов шакллари ва ҳисоб-китоблардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган алоҳида валюталар тартиби.

“Навоий” ЭИИЗ ташкил этилганидан буён ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда, юксак технологияларга асосланган 19 та лойиҳа амалга оширилмоқда. 2010 йилда эса 7 та корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари бошланади.

“Навоий” аэропорти базасида ташкил этилган халқаро интермодаль логистика маркази ҳозирги вақтда халқаро транспорт логистикасининг глобал тармоғига мувафаққиятли қўшилди. Марказ фаолиятини янада ривожлантириш бугунги кундаги 12 йўналиш бўйича ташкил этилган ҳаво катновлари географиясини 2015 йилда Европа, Шарқий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ, МДҲ давлатлари бўйича 25 та йўналишга етказиш, аэропортнинг инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, тобора ҳажми ошиб бораётган юкларни ташиш учун самолётлар сонини кўпайтириб боришни назарда тутди.


Жаҳон амалиётида қўлланиладиган махсус иқтисодий зоналарнинг моделлари: ҳажми ва имтиёзлари таркиби

Эркин зоналарнинг турлари	Майдони (кв. км)	Божхона чегараларининг мавжудлиги	Базавий имтиёзлар *	Асосий минтақалар/мамлакатлар
Эркин савдо зоналари	3 – 5 гача	Мажбурий	Божхона имтиёзлари	Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда йирик транспорт тугунлари
Саноат-ишлаб чиқариш зоналари:				
а) «нуқтали»	1 - 2 гача	Йўқ	Божхона имтиёзлари	Бразилия, Мексика, Пуэрто-Рико, Филиппин, Кариб ҳавзаси
б) саноат парклари	0,1 – 0,5 1 – 20	Мажбурий эмас	Божхона имтиёзлари	Жануби-Шарқий Осиё, Мексика
Савдо-ишлаб чиқариш	1 – 4	Мажбурий	Божхона имтиёзлари	АҚШ
Кичик бизнес зоналари	0,01 – 3	Йўқ	Молиявий, солиқ имтиёзлари	Ҳиндистон, Яқин Шарк, Аргентина, Франция
Илмий-технологик (илмий-ишлаб чиқариш)	2 – 20	Мажбурий эмас	Солиқ имтиёзлари	Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари
Оффшор молия марказлари	0,05 – 0,1	Йўқ	Солиқ имтиёзлари	Кариб ҳавзаси, Гонконг, Сингапур
Комплекс:				
а) махсус иқтисодий	16 – 330	Мажбурий	Солиқ, бојхона, молия	Хитой
б) «Манаус» зонасига ўхшаш алоҳида режимга эга ҳудудлар	80 дан юқори	Ҳудуд қисмлари учун мажбурий	Солиқ, бојхона, молия	Бразилия («Манаус»), Аргентина («Оловли ер»)
в) алоҳида иқтисодий зоналар	Маъмурий-худудий тузилмалар доирасида (шаҳар, туман)	Алоҳида зонада жойлашган кичик (локал) ҳудудлар учун мажбурий	Солиқ, бојхона, молия	Россия (Калининград вилояти)

**Хитой ЭИЗнинг инвестициялар ва хорижий инвестицияли
корхоналарнинг умумий сонигаги улуши, фоиз ҳисобида**

Худудлар	Асосий капиталга сарфланган миллий инвестициялар			Хорижий инвестициялар			Хорижий инвестицияли корхоналар		
	1995 й.	2000 й.	2005 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.
Чжуцзян дарёси дельтаси (Гуандун)	11,6	9,6	7,9	22,2	28,0	16,5	25,5	24,5	22,6
Фуцзянь	3,4	3,4	2,8	8,6	8,5	3,2	7,1	7,9	6,9
Чанцзян дарёси дельтаси (Шанхай, Цзянсу, Чжэцзян)	24,2	20,6	20,5	20,0	27,7	34,6	20,8	21,6	31,3
Бохай қўлтиғи зонаси (Пекин, Тяньцзинь, Ляонин)	10,6	9,6	9,6	8,9	12,0	16,0	12,7	15,6	14,8
Шаньдун	6,5	7,7	10,5	5,7	7,4	14,3	7,7	6,1	7,8
Бешта худуд бўйича жами	56,3	50,9	51,3	65,4	83,6	84,6	73,8	75,7	83,4

Жаҳон иқтисодиётида оффшор зоналар



Оффшор зоналарнинг муваффақият омиллари

- солиққа тортиш режими;
- солиқлардан озод қилиш ва имтиёзлар тақдим этиш механизми;
- валюта чекловларинининг мавжудлиги;
- конфиденциалликни таъминлаш;
- ҳисобот тақдим этиш хусусиятлари;
- сиёсий рисклар;
- оффшор зонада иш олиб бориш ва ташкил этиш бўйича хизматларни таъминловчиларнинг малакаси;
- мамлакат оффшор зонасининг репутацияси;
- компанияни таъсис этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича харажатлар;
- фаолият соҳаларига рухсат;
- икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш мақсадида компанияларни халқаро келишувларда рўйхатдан ўтказиш.

**Жаҳондаги баъзи оффшор зоналардаги имтиёзлар
ва улар ўртасидаги фарқлар**

	Лихтенштейн	Мальта	Дубай	Багам ороллари
Компания статуси	Холдинг компаниялар	Носавдо оффшор компаниялари (NTOC) Савдо оффшор компаниялари (ТОС)	«Джебел Али» эркин зонасидаги компания	Халқаро тадбиркорлик компаниялари
Корпорация солиғи	Йўқ	NTOC – йўқ ТОС – 5%	Йўқ	Йўқ
Капитални қўпайтириш учун солиқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
Мерос солиғи	0,5 – 18%	Озод этилган	Йўқ	Йўқ
Капиталга йиллик солиқлар	0,05 – 0,1	Йўқ	Йўқ	Йўқ
Даромад турлари бўйича солиқлар:				
- дивидендлар	4%	Озод этилган	Йўқ	Йўқ
- фоизлар	4%	Озод этилган	Йўқ	Йўқ
- роялти	Йўқ	Озод этилган	Йўқ	Йўқ
Жисмоний шахсларга даромад солиқи	17,82% гача	Мальтада яшовчи хорижликлар учун 15%	Йўқ	Йўқ
Валюта назорати	Йўқ	Озод этилган	Йўқ	Озод этилган
Молиявий ҳисоботларни эълон қилиш мажбурияти	Талаб этилмайди	NTOC – озод этилган ТОС – ҳа	Йўқ	Йўқ
Акциядорлар номининг ошқор этилиши	Талаб этилмайди	NTOC – ҳа ТОС – йўқ	ҳа	Йўқ